

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

42-сон
(906)
2019 йил
21 октябрь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

789. «Ўзбекистон Республикасининг Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картахена протоколига қўшилиши тўғрисида (Монреаль, 2000 йил 29 январь)» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 октябрдаги ўРҚ–569-сон Қонуни
790. «Маданий ифодаларнинг турли хил шакллари муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Конвенцияни (Париж, 2005 йил 20 октябрь) ратификация қилиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 14 октябрдаги ўРҚ–570-сон Қонуни
791. «Меценатлик тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 октябрдаги ўРҚ–571-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

792. «Ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш механизмларини ва донорлар билан ишлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғри-

сида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 октябрдаги ПФ-5848-сон Фармони

793. «Ўзбекистон Республикасининг Ядро-энергетика дастури учун кадрлар салоҳиятини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 октябрдаги ПҚ-4492-сон қарори

Учинчи бўлим

794. «Дон, ун ва нон етказиб бериш тизимида бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 октябрдаги 866-сон қарори [Кўчирма]
795. ««Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» акциядорлик жамиятининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 октябрдаги 868-сон қарори

Бешинчи бўлим

796. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 15/ЮБ-40-сон «Портловчи материалларнинг муомаласи соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 14 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2803-1*)
797. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 04/ЮБ-39-сон «Хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги аварияларни техник жиҳатдан текшириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 14 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2558-1*)
798. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 14 октябрдаги 467-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 14 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2966-1*)
799. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 30 сентябрдаги 101-сон «Қайта суғурта қилиш хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш

ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2190-2*)

800. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи 2019 йил 16 октябрдаги 469-мх-сон «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2802-1*)
801. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасининг 2019 йил 14 сентябрдаги 01-02/8-53-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан гаровдан фойдаланиш тўғрисидаги низом, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 757-4*)
802. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 7 октябрдаги 102-сон «Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2835-2*)
803. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 16 октябрдаги 472-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2252-1*)
804. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 16 октябрдаги 473-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 168-1*)
805. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 16 октябрдаги 474-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1714-1*)
806. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 16 октябрдаги 475-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия*

вазирлиги томонидан 2019 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1581-4)

807. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 24 августдаги 343-В-4, 23-сон «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 17 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-4)*)
808. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги 21/14-сон «Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 17 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3029-3)*)
809. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 17 сентябрдаги 100, 78, 31, 26ҚҚ, 19, 01-02/5-56-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига қўшимча тўловни белгилаш, тўлаш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 17 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2675-1)*)
810. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 17 октябрдаги 479-мх-сон «Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 17 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1933-2)*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 12 октябрдан 18 октябргача бўлган маълумот

Ҳакамлик судлари тўғрисида ахборот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

789 Ўзбекистон Республикасининг Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картахена протоколига қўшилиши тўғрисида (Монреаль, 2000 йил 29 январь)*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 9 октябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда
маъқулланган

Биологик хилма-хиллик ҳақидаги Конвенциянинг биохавфсизлик бўйича Картахена протоколига қўшилисин (Монреаль, 2000 йил 29 январь).

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 октябрь,
ЎРҚ-569-сон

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 октябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

790 Маданий ифодаларнинг турли хил шакллари муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Конвенцияни (Париж, 2005 йил 20 октябрь) ратификация қилиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 30 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда
маъқулланган

Маданий ифодаларнинг турли хил шакллари муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги Конвенция (Париж, 2005 йил 20 октябрь) ратификация қилинсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 октябрь,
ЎРҚ-570-сон

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 октябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

791 Меценатлик тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2019 йил 14 августда қабул қилинган

Сенат томонидан 2019 йил 11 октябрда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади меценатлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Меценатлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Меценатлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг меценатлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаси

Ушбу Қонун маданият ва санъатни ривожлантириш мақсадида ҳомийлик фаолиятини амалга ошириш чоғида юзага келадиган муносабатларга нисбатан татбиқ этилади.

4-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

меценатлик (меценатлик фаолияти) — маданият ва санъат, шунингдек илм-фан, таълим, маърифат ҳамда маданият ва санъатни ривожлантириш билан боғлиқ бошқа фаолият соҳасида жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган ҳомийлик фаолияти;

меценат — меценатлик фаолиятини амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахс;

меценатлик кўмагини олувчи — меценатлик кўмаги ҳисобига маданият ва санъатни сақлаш ҳамда ривожлантириш билан боғлиқ фаолиятни амалга оширувчи жисмоний ёки юридик шахс.

меценатлик кўмаги — меценатлик фаолияти доирасида меценатлар томонидан бегараз ёки имтиёзли шартлар асосида меценатлик кўмагини олувчиларга бериладиган мол-мулк, шунингдек улар учун бажариладиган

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 17 октябрда эълон қилинган.

ишлар, кўрсатиладиган хизматлар ва қўллаб-қувватлашнинг бошқа турлари.

2-боб. Меценатлик фаолиятининг мақсадлари, принциплари ва кафолатлари

5-модда. Меценатлик фаолиятини амалга ошириш мақсадлари

Меценатлик фаолияти қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

Ўзбекистон Республикасининг маданий мерос объектларини сақлаш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиш;

маданият ва санъат соҳасидаги касбий фаолиятни қўллаб-қувватлаш;

Ўзбекистон Республикасининг маданий мерос объектларини сақлаш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги давлат дастурларини ҳамда бошқа дастурларни, лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этиш;

маданият ва санъат соҳасидаги ёш истеъдодларни ва арбобларни қўллаб-қувватлаш;

жисмоний ва юридик шахсларнинг маданият ва санъатни ривожлантиришда иштирок этиши учун маънавий рағбатлантириш омилларини ҳамда бошқа омилларни кенгайтириш.

Меценатлик фаолияти маданият ва санъатни ривожлантириш билан боғлиқ бошқа мақсадларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

6-модда. Меценатлик фаолиятининг асосий принциплари

Меценатлик фаолияти қонунийлик, ихтиёрийлик, инсонпарварлик ва ҳисоботларнинг ишончилиги принциплари асосида амалга оширилади.

Меценатлик фаолияти Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилиши керак.

Ихтиёрийлик принципи меценатларга меценатлик кўмагини кўрсатиш ҳуқуқини ва меценатлик кўмагини олувчиларга учинчи шахслар томонидан мажбурий таъсир кўрсатмасдан бундай кўмакни олиш ёки олмаслик ҳуқуқини беришдан иборатдир.

Меценатлик фаолияти жамиятда инсоннинг инсонпарварлаштирилган яшаш муҳитини шакллантиришга, унинг ижодий фаолияти эркинлигини таъминлашга доир интилишга асосланади.

Меценатлар ва меценатлик кўмагини олувчилар меценатлик кўмагини бериш ҳамда ундан фойдаланиш жараёнларида ишончли ҳисобни юритиши шарт.

7-модда. Меценатлик фаолиятининг кафолатлари

Жисмоний ва юридик шахслар меценатлик фаолиятини ихтиёрийлик ҳамда бу фаолиятнинг мақсадларини эркин танлаш асосида монеликсиз амалга оширишга ҳақлидир.

Жисмоний ва юридик шахслар якка тартибда ёки бирлашган ҳолда

ҳомийлик ташкилотларини ташкил этиб ёхуд ташкил этмасдан меценатлик фаолиятида эркин иштирок этишга ҳақли.

Ҳеч ким ушбу Қонунда назарда тутилган меценатлик фаолиятининг мақсадларини ва уни амалга ошириш шакллари танлаш эркинлигини чеклашга ҳақли эмас.

3-боб. Меценатлик фаолияти

8-модда. Меценатлик фаолиятининг субъектлари

Меценатлар ва меценатлик кўмагини олувчилар меценатлик фаолиятининг субъектларидир.

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари меценатлар бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг резидентлари меценатлик кўмагини олувчилар бўлиши мумкин.

9-модда. Меценатлик фаолиятида оммавий ахборот воситаларининг иштирок этиши

Оммавий ахборот воситалари:

меценатлик фаолиятини ривожлантиришга, шу жумладан маданият ва санъат соҳасида аҳолининг ахборотга оид ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган тадбирларни ёритиши;

меценатлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириши;

маданият ва санъат соҳаси органлари ҳамда ташкилотлари, шунингдек меценатлик фаолияти субъектлари билан маданият ва санъатни ривожлантириш масалалари юзасидан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Оммавий ахборот воситалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

10-модда. Меценатлик фаолиятининг ошкоралиги

Меценатлик фаолиятининг субъектлари меценатлик кўмагини кўрсатиш факти ва унинг мақсадлари тўғрисидаги ахборотни жамоатчилик эътиборига етказиш, шу жумладан оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ахборот ресурслари орқали етказиш ҳуқуқига эга. Бундай ахборот фақат меценатнинг розилиги билан тарқатилиши мумкин.

11-модда. Меценатлик кўмагини бериш тўғрисидаги шартнома

Меценатлик фаолияти меценат ва меценатлик кўмагини олувчи ўртасида тузиладиган меценатлик кўмагини бериш тўғрисидаги шартнома асосида амалга оширилади.

Меценатлик кўмагини бериш тўғрисидаги шартнома меценатлик кўмагини беришнинг мақсадлари, шакли, шартлари, муддатлари ҳамда ҳажмини, шартномавий мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлигини, низоларни ҳал этиш тарти-

бини, тарафларнинг реквизитларини, шартнома тузилган сана ва жойни, шунингдек бундай турдаги шартномалар учун қонун ҳужжатларида белгиланган ёки тарафлардан бирининг аризасига кўра келишувга эришиш лозим бўлган бошқа муҳим шартларни назарда тутиши керак.

Меценатнинг номини, персоналлаштириш воситаларини мажбуран эслатиб ўтиш талаби ва бундай эслатиш шаклининг белгиланиши меценатлик кўмагини бериш тўғрисидаги шартноманинг шarti бўлиши мумкин.

Меценатлик кўмагини бериш тўғрисидаги шартномада меценатлик кўмагидан мақсадли фойдаланилиши устидан назорат қилиш механизмлари белгиланиши мумкин.

4-боб. Меценатлик фаолиятини амалга оширишга давлатнинг кўмаклашиши

12-модда. Меценатлик фаолияти субъектлари ҳуқуқларининг давлат кафолатлари ва меценатлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш

Меценатлик фаолияти субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат томонидан кафолатланади. Меценатнинг меценатлик фаолиятини амалга ошириш шакллари танлаш ҳуқуқи чекланишига йўл қўйилмайди.

Давлат меценатлик фаолиятини қуйидагилар орқали қўллаб-қувватлайди: меценатларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда тарифлар бўйича имтиёзлар ва преференциялар бериш;

меценатларни давлат мукофотлари ёки бошқа мукофотлар билан тақдирлаш;

меценатларнинг номларини абадийлаштириш.

Давлат меценатлик фаолиятини қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа йўллар билан ҳам қўллаб-қувватлаши мумкин.

13-модда. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг меценатлик фаолияти соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги меценатлик фаолиятини ахборот ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, меценатлик фаолияти тўғрисида жамоатчиликнинг ижобий фикрини шакллантириш мақсадида:

меценатлик фаолияти субъектларига услубий ва маслаҳат ёрдами кўрсатилишини;

меценатлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга қаратилган тадбирларнинг ташкил этилиши ҳамда ўтказилишини;

Интернет жаҳон ахборот тармоғида меценатлик фаолияти соҳасида амалга оширилаётган лойиҳалар, шунингдек меценатлик кўмагини потенциал олувчиларнинг уни олишдан манфаатдорлиги тўғрисида ахборот берувчи ихтисослаштирилган веб-сайт яратилишини ҳамда фаолият юритилишини;

меценатлик фаолияти тўғрисидаги ахборотни тўплашни, таҳлил қилишни, унинг тарқатилишини;

меценатлик фаолиятининг илғор тажрибаси умумлаштирилишини ва унинг тарқатилишига кўмаклашишни;

маданият ва санъатни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган меценатларни мукофотлаш ҳамда уларнинг номини абадийлаштириш юзасидан чоратадбирлар амалга оширилишини таъминлайди.

5-боб. Меценатлик кўмаги

14-модда. Меценатлик кўмагини кўрсатиш

Меценат меценатлик кўмагини олувчилар сифатида шахсларни, шунингдек меценатлик кўмагини кўрсатиш шакллари ушбу Қонун талабларига мувофиқ мустақил равишда белгилайди.

15-модда. Меценатлик кўмагини кўрсатишнинг ўзига хос хусусиятлари

Меценатлик кўмаги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши мумкин эмас.

Меценатлик кўмагини олиш меценатлик кўмагини олувчининг давлат томонидан молиялаштирилишини қисқартириш учун асос бўлмайди, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

16-модда. Низоларни ҳал этиш

Меценатлик фаолияти соҳасида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

17-модда. Меценатлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Меценатлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

18-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

19-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

20-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 октябрь,
ЎРҚ-571-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

792 Ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш механизmlарини ва донорлар билан ишлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Мамлакатда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини яхшилаш, шу мақсадда грантлар, техник кўмак ва бошқа ташқи беғараз кўмак маблағларини (кейинги ўринларда — грантлар) фаол жалб этиш, Ўзбекистон Республикасига беғараз ёрдам бераётган хорижий давлатлар, халқаро ва хорижий ҳукумат ҳамда ноҳукумат ташкилотлари, чет эл компаниялари, ташкилотлари ва жамғармалари (кейинги ўринларда — донорлар) билан яқин шериклик муносабатлари ўрнатиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, донорлар билан ҳамкорликни мувофиқлаштириш, ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини амалга ошириш мониторинги, шунингдек, уларнинг мақсадли кўрсаткичларига эришишни назорат қилиш тизимининг етарли даражада эмаслиги жалб этилаётган грантларнинг ҳажмларини ошириш ва улардан самарали фойдаланиш имконини бермаяпти.

Ташқи беғараз кўмакни жалб қилиш ва ўзлаштириш тизимини янада такомиллаштириш, соҳада олиб борилаётган ишларнинг миллий манфаатлар ва устуворликлар билан уйғунлигини таъминлаш, грантлар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларни тайёрлаш, амалга ошириш, мониторинг қилиш ва ҳисобга олишнинг ягона тизимини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикасининг донорлар билан ҳамкорлик қилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Қуйидагилар грантлардан самарали фойдаланиш комплекс тизимини янада ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

грантлар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш ва натижадорлигини баҳолаш, аниқ соҳаларнинг ихтисослашувини ҳисобга олган ҳолда ушбу секторлардаги тартиб-таомилларни уйғунлаштириш ва саъй-ҳаракатларни бирлаштириш масалалари юзасидан донорлар билан доимий мулоқотнинг барқарор платформасини шакллантириш;

иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ва ижтимоий соҳага грантларни жалб этиш бўйича мавжуд имкониятлар ва ишга солинмаган имкониятлардан фойдаланиш, донорлик салоҳиятига эга бўлган хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва ўзаро яқин алоқалар ўрнатиш;

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 11 октябрда эълон қилинган.

тегишли иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантиришда жалб этилаётган грантларнинг мамлакат манфаатлари ва миллий устуворликлар билан уйғунлигини таъминлаш;

грантларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил қилиш учун давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларининг шахсий масъулиятини ошириш, грантлардан мақсадсиз фойдаланишнинг олдини олиш бўйича давлат молия назорати органларининг профилактика ишларини кучайтириш;

грантлар ҳисобидан молиялаштириладиган лойиҳаларнинг муддатларига риоя қилиш ва кутилаётган амалий натижаларга эришиш устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда парламентнинг ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ролини, шунингдек, фуқароларнинг иштирокини кенгайтириш;

жалб этилаётган грантларни мувофиқлаштириш бўйича ягона ахборот тизимини ташкил қилиш, ташқи беғараз кўмак йўналишларини ва қўлланиш соҳаларини таҳлил қилиш усулларини автоматлаштирган ҳолда, ушбу лойиҳаларни электрон ҳисобга олиш ва ҳисобини юритиш учун шарт-шароитлар яратиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (кейинги ўринларда — Вазирлик) грантлар ҳисобидан молиялаштириш таклиф этилаётган лойиҳа ташаббусларини ишлаб чиқиш, дастлабки саралаш ва келишиш жараёнларини мувофиқлаштириш, ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини ҳисобга олиш ва уларнинг амалга оширилишини мониторинг қилишни таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг донорлар билан ҳамкорлигини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш борасида таклифлар ишлаб чиқиш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Белгилансинки:

давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари (кейинги ўринларда — лойиҳа ташаббускорлари) бир лойиҳа бўйича қиймати 100 минг АҚШ доллари ва ундан кўпроқ бўлган грантларни Вазирлик томонидан ишлаб чиқиладиган ва тасдиқланадиган ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш ва донорлар билан ҳамкорлик қилиш дастурларига (кейинги ўринларда — Дастурлар) киритган ҳолда жалб этади;

Дастурлар 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш давлат дастурларини, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсадлар ва вазифаларни, Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурларини, тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш дастурларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ҳисобга олган ҳолда Вазирлик томонидан шакллантирилади;

Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари билан биргаликда ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини амал-

га ошириш учун салоҳиятли хорижий донорларни жалб этишда Вазирлик, лойиҳа ташаббускорлари, тармоқлар ва ҳудудларга ёрдам беради;

лойиҳа ташаббускорлари ўзларига тааллуқли қисмида ташқи беғараз кўмак лойиҳаларининг ўз вақтида ишлаб чиқилиши, уларнинг Дастурларга киритилиши учун тақдим этилиши, лойиҳа ҳужжатлари сифатли тайёрланиши, шунингдек, грантлар тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида ўзлаштирилиши учун барча тадбирларнинг сўзсиз ва сифатли бажарилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Давлат бюджет параметрларини шакллантиришда лойиҳа ташаббускорлари томонидан грантларни жалб этиш тўғрисидаги битимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ харажатларни (мажбурий тўловларни тўлаш, рухсатнома берувчи тартиб-таомиллардан ўтиш, товарларни ташиш, кузатиш ва сақлаш, усқуналарни монтаж қилиш, сошлаш, йиғиш, ўрнатиш ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ бошқа харажатлар) қоплаш учун маблағларни назарда тутади ва уларнинг ўз вақтида ажратилишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги грантлардан мақсадли фойдаланилиши устидан назоратни амалга оширади ҳамда мазкур соҳадаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилиш юзасидан тизимли чораларни кўради.

4. Вазирлик, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Молия вазирлигининг Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги Комиссиясининг техник кўмагини мувофиқлаштириш бюросини (кейинги ўринларда — ЎзБюроКЕС) тугатиш ва унинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, штат бирликлари ва мулки (бино ва иншоотлари)ни Вазирликка топшириш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

5. Вазирликнинг марказий аппарати тузилмасида бошқарув ходимларининг сони 11 нафардан иборат бўлган Ташқи беғараз кўмакни мувофиқлаштириш департаменти (кейинги ўринларда — Департамент) ташкил этилсин.

Белгилансинки, Департаментнинг штат бирликлари ЎзБюроКЕСнинг 7 дон штат бирлиги ҳамда Вазирликнинг умумий штатлар сони ҳисобига шакллантирилади.

6. Қуйидагилар:

Ташқи беғараз кўмак маблағларини жалб этиш ва донорлар билан ҳамкорлик қилиш дастурларини шакллантириш, тасдиқлаш ва амалга ошириш схемаси 1-иловага* мувофиқ;

2019-2020 йилларда донорлар билан ишлаб чиқиладиган устувор ташқи беғараз кўмак лойиҳалари рўйхати (кейинги ўринларда — Рўйхат) 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик, Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасалари манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга:

* 1-2-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Рўйхатга киритилган ташқи беғараз кўмак лойиҳалари бўйича ҳужжатларни якуний келишиш, маъқуллаш ва расмийлаштириш бўйича зарур тартиб-таомиллар бажарилишини таъминласин;

донорлар билан ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини молиялаштириш ва амалга ошириш билан боғлиқ барча муаммоли масалаларни ҳал этиш бўйича ишларни фаоллаштирсин.

7. Вазирлик 2020 йил 1 августга қадар, шу жумладан қуйидагиларни назарда тутувчи «Ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини электрон тарзда келишиш, мониторинг қилиш ва ҳисобга олиш» ахборот тизимини (кейинги ўринларда — Ахборот тизими) ишлаб чиқсин ва жорий этсин:

Дастурларни шакллантириш, келишиш ва ҳисобга олиш жараёнларини рақамлаштириш;

ташқи беғараз кўмак лойиҳаларининг муддатларига риоя этилиши ва мақсадли кўрсаткичларга эришилиши устидан мониторингни амалга ошириш;

хамма учун ишонарли ва очиқ бўлган, жалб қилинган ва ўзлаштирилган грантларнинг ҳажми ва йўналишлари, донорларнинг маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган жорий лойиҳаларни амалга оширишнинг бориши тўғрисидаги ҳамда грантлар билан боғлиқ бошқа барча маълумотларни шакллантириш;

лойиҳа ташаббускорларига ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини жалб этиш ва самарали амалга ошириш, лойиҳаларнинг паспортларини ва лойиҳа ҳужжатларини сифатли тайёрлаш масалалари бўйича, шунингдек, донорларга эса грантларни ажратиш географияси ва йўналишлари тўғрисида онлайн-маслаҳатлар бериш.

Вазирлик 2020 йил 1 февралга қадар Ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилишни молиялаштириш учун грантлар жалб этилишини таъминласин.

8. Белгилансинки:

лойиҳа ташаббускорлари бир лойиҳа бўйича қиймати 100 минг АҚШ долларидан ошмайдиган грантларни мустақил равишда жалб этади ва донорлар билан музокараларни олиб боради, бунда грантлар жалб этилишини назарда тутувчи битимларнинг нусхалари Вазирликка мажбурий тартибда юборилади;

давлат органлари ва ташкилотларига, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига келиб тушган донорларнинг лойиҳа ташаббуслари нусхалари уларнинг кўриб чиқилиши устидан мониторингни амалга ошириш учун нусхалар келиб тушган кундан бошлаб бир кун ичида Вазирликка мажбурий тартибда юборилади;

2021 йил 1 январдан бошлаб Дастурларни келишиш, шакллантириш ва тасдиқлаш Ахборот тизими орқали фақат электрон шаклда амалга оширилади.

9. 2019 йил 1 декабрдан бошлаб шундай тартиб жорий этилсинки, унга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикасига донорлар делегациялари ташрифларини ва

уларнинг расмий шахслар билан учрашувларини ташкил этиш, шунингдек, республика ҳудудларига сафарлар ташкил қилиш масалалари бўйича сўровларни Ташқи ишлар вазирлигига олдиндан юбориш муддати 30 иш кунидан 15 иш кунигача қисқартирилади;

грант олувчилар томонидан банк ҳисобварақларидан кўчирмаларни, шунингдек, техник кўмак маблағлари тўғрисида ахборот ва идоравий ҳисоботни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ғазначилигига тақдим этиш мажбурияти бекор қилинади;

грант олувчилар ҳар чоракда (ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 10-насидан кечиктирмасдан) Вазирликка олинган ва ўзлаштирилган грантлар ҳамда амалга оширилаётган ташқи беғараз кўмак лойиҳалари тўғрисидаги маълумотларни Вазирлик томонидан белгиланадиган шакл бўйича тақдим этади;

давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларига ташқи беғараз кўмак лойиҳаларининг сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаганлик ҳамда тасдиқланган мақсадли кўрсаткичларга эришганлик учун грантларни жалб этиш ва ўзлаштиришда бевосита иштирок этган ходимларга нисбатан ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари, маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари, грантлар, шунингдек, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан меҳнатга ҳақ тўлаш минимал миқдорининг ўн беш бараваригача, аммо ўзлаштирилган грант суммасининг икки фоизидан ошмайдиган миқдорда бир йўла мукофотлаш тарзидаги рағбатлантириш чораларини қўллаш ҳуқуқи берилади;

лойиҳа ташаббускорларига грантларни жалб этиш тўғрисидаги битимлар бўйича ўз мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ харажатларни бюджетдан ташқари жамғармалар, маҳаллий бюджетлар даромадларининг прогноз кўрсаткичларини орттириб бажарилган қисмидан бўшаган қолдиқлари ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига қоплаш ҳуқуқи берилади.

10. Белгилаб қўйилсинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Вазирлик ёки лойиҳа ташаббускорлари — бюджет ташкилотларининг буюртманомаларига кўра Дастурларга киритилган лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассисларга кириш визаларини консуллик йиғимларини ва амалдаги харажатларни қоплаш ҳисобига йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини ўрнатилган тартибда таъминлайди;

б) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Вазирлик ёки лойиҳа ташаббускорлари — бюджет ташкилотларининг буюртманомаларига кўра Дастурларга киритилган лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этувчи хорижий мутахассислар учун давлат божи ундирилмаган ҳолда кўп марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, улар яшаб турган жойда вақтинча пропискага қўйилиши ва вақтинча прописка муддати узайтирилишини ўрнатилган тартибда таъминлайди;

Дастурларга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида харид қилинган транспорт воситалари мажбурий тўловлар ва йиғимлар ундирилмаган ҳолда рўйхатга олинишини таъминлайди, автомобилотранспорт воситасини рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳнома ва давлатнинг рўйхатга олиш рақам белгилари учун тўловлар бундан мустасно.

11. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Дастурларга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида кириб келаётган дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техникага нисбатан давлат реестрига киритмасдан ва ўрнатилган йиғимларни ундирмаган ҳолда дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техникани бир марталик давлат рўйхатига олинишини ва рўйхатдан ўтказиш гувоҳномаси берилишини таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида амалга оширилган дори воситаларини рўйхатга олиш натижаларини тан олиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

12. Белгилансинки, ушбу Фармон билан назарда тутилган имтиёз ва преференциялар тақдим этилиши натижасида бўшайдиган маблағлар суммаси, башарти донорлар билан битимларда ўзгача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини амалга оширишга қўшадиган ҳиссаси ҳисобланади.

13. Ташқи беғараз кўмакни жалб этиш масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш 3-иловага* мувофиқ таркибда ташкил қилинсин ва қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

донорлар билан доимий мулоқот платформасини шакллантириш, ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини молиялаштириш ва амалга ошириш билан боғлиқ муаммоли масалаларни ҳал этишда ёрдам кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикасининг донорлар билан ҳамкорлигининг устувор йўналишларини белгилаш, ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини амалга ошириш учун ҳамкорлик географиясини кенгайтириш ва молиялаштиришнинг янги салоҳиятли манбаларини излаш бўйича тизимли ишлар олиб бориш;

ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини келишиш ва ишлаб чиқиш тартиб-таомилларини соддалаштириш ва механизмларини такомиллаштириш, улардан мақсадли ва самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

хар ой давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг грантларни жалб қилиш ва уларнинг ҳажмларини кўпайтириш, донорлар билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш бўйича қилинган ишлар тўғрисида, шунингдек, ҳар олти ойда — Ўзбекистон Республикасининг хориждаги муассасаларининг ташқи иқтисодий фаолият билан шуғулланувчи ходимларининг ҳисоботларини тинглаш.

14. Вазирлик:

а) икки ой муддатда жалб қилинаётган грантларнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича илғор халқаро тажрибани, шу жумладан Вазирлик мутахассисларининг хорижий мамлакатларга сафарини ташкил қилган ҳолда ўргансин ва амалиётга жорий этилишини таъминласин;

* 3-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

б) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда, донорлар вакилларини ва малакали хорижий мутахассисларни мазкур жараёнга фаол жалб этган ҳолда давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ходимлари орасида грантларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш масалалари бўйича мунтазам асосда семинарлар ва тренинглар ўтказсин;

в) қуйидагилар:

грантлар жалб қилиш ва ўзлаштириш соҳасидаги малакали мутахассислар, шунингдек, ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини амалга ошириш доирасида тайёргарлик, қайта тайёргарликдан ўтган ва малака оширган шахслар;

ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини амалга ошириш доирасида ўтказилган тадқиқотлар натижалари, уларнинг яқунлари бўйича тузилган ҳисоботлар, маърузалар, маълумот ва таҳлилий материаллар ҳамда бошқалар тўғрисидаги маълумотлар базасини қонунчиликка мувофиқ шакллантирсин ва доимий асосда янгилаб борсин;

г) ташқи беғараз кўмак лойиҳаларини амалга ошириш яқунлари бўйича қўлга киритилган ижобий тажрибани иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг тегишли тармоқларида кенг татбиқ этилишини таъминласин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 4-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 5-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

17. Вазирлик манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

Ташқи беғараз кўмак маблағлари ҳисобига молиялаштириладиган лойиҳаларни тайёрлаш, амалга ошириш ва мониторинг қилиш тартиби тўғрисидаги, шу жумладан грантлар ҳисобига молиялаштириш таклиф этилаётган устувор ва истиқболли лойиҳаларни танлаб олиш мезонларини, шунингдек, Дастурларни шакллантиришда Вазирлик ва лойиҳа ташаббускорлари ўртасида юзага келадиган келишмовчиликларни ҳал қилиш механизмларини назарда тутувчи низомни;

гуманитар ёрдам олиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш жараёнини соддалаштириш ва муддатини қисқартириш ҳамда «гуманитар ёрдам» тушунчасини қайта кўриб чиқиш чораларини кўрган ҳолда Гуманитар ёрдам юқларини қабул қилиш, ҳисобга олиш, манзилли тақсимлаш ва мақсадли фойдаланиш устидан назорат олиб бориш ҳамда гуманитар лойиҳаларни мониторинг қилиш тартиби тўғрисида низомнинг янги таҳририни;

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.А. Гуломов ва Ўзбекистон

Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 октябрь,
ПФ-5848-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 10 октябрдаги
ПФ-5848-сон Фармониغا
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-3751-сон Фармониغا 2-илованинг рус тилидаги матни* қуйидаги тахрирда баён этилсин:

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги «Инвестиция ва ташқи савдо соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5643-сон Фармонида:

а) 3-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«ягона давлат инвестиция сиёсатини амалга ошириш, хорижий, биринчи навбатда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишни мувофиқлаштириш, халқаро молия институтлари (бошқарув офислари) ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш, шунингдек, ташқи савдо, халқаро иқтисодий ҳамкорлик, республикага ташқи беғараз кўмак (грантлар, техник кўмак, мақсадли беғараз ёрдам) маблағларини жалб қилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва мувофиқлаштириш учун масъул ваколатли давлат органи ҳисобланади»;

б) 4-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«давлат органлари ва ташкилотларининг республикага ташқи беғараз кўмак (грантлар, техник кўмак, мақсадли беғараз ёрдам) маблағларини жалб қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, уларнинг мақсадли фойдаланилишини ҳисобга олиш ва мониторинг қилиш»;

бешинчи — ўн иккинчи хатбошилар тегишинча олтинчи — ўн учинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги

* Илова матни «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Давлат бюджетининг газна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–594-сон қарори 2-бандининг ўнинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикасига келаётган барча турдаги, шу жумладан номоддий шаклдаги гуманитар ёрдамнинг тўлиқ ҳамда тизимли ҳисобини юритиш».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 мартдаги «Молия органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2847-сон қарорига 7-иловининг рус тилидаги матни 9-банди 6-кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) в области управления гуманитарной помощи:

формирует совместно с заинтересованными министерствами и ведомствами единую базу данных гуманитарной помощи для финансирования приоритетных проектов и мероприятий;

разрабатывает действенный механизм координации формирования заявок и включения гуманитарной помощи в единую базу данных;

формирует и регулярно обновляет совместно с Министерством инвестиций и внешней торговли Республики Узбекистан базы данных донорских организаций, предоставляющих гуманитарную помощь;

координирует привлечение в республику и своевременное оформление и направление заявок на получение гуманитарной помощи, а также осуществляет учет, мониторинг и контроль за их целевым использованием;

разрабатывает и утверждает в установленном порядке формы отчетности по гуманитарной помощи;

осуществляет сбор информации о гуманитарной помощи, поступающих в республику, ее анализ и обобщение, подготовку соответствующих аналитических и справочных материалов;

осуществляет подготовку аналитических материалов и проектов отчетов о поступлении и ходе освоения гуманитарной помощи, привлекаемых в Республику Узбекистан, для последующего внесения на системной основе в Правительство Республики Узбекистан;

оказывает заинтересованным министерствам и ведомствам практическую помощь при оформлении гуманитарной помощи, предоставляемой Республике Узбекистан».

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–4135-сон қарорида:

а) 2-банднинг бешинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вазирлик, Вазирлик ҳузуридаги Хорижий инвестицияларни жалб этиш агентлиги, Экспортни рағбатлантириш агентлиги ва Инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш маркази бошқарув ходимларининг чекланган сони 1541 нафар, шу жумладан Вазирликнинг марказий аппарати бошқарув ходимлари — 283 нафар этиб белгилансин»;

б) 3-иловада:

«ХМИ ва ХХМТ билан ишлашни мувофиқлаштириш бошқармаси 10» блокадаги «10» рақами «6» рақами билан алмаштирилсин;

«ХМИ ва ХХМТ билан ишлашни мувофиқлаштириш бошқармаси 6» блокдан кейин «Ташки беғараз қўмакни мувофиқлаштириш департаменти 11» блоки билан тўлдирилсин;

изоҳдаги «1534 нафар» ва «276 нафар» сўзлари тегишинча «1541 нафар» ва «283 нафар» сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 10 октябрдаги
ПФ–5848-сон Фармониغا
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланаётган айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ–5650-сон «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисидаги (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ–5519-сон «Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони)» Фармониغا 1-илованинг 32-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 24 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник қўмаклашиш воситаларидан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаментини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ–1005-сон қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 10 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПҚ–1055-сон қарори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**793 Ўзбекистон Республикасининг Ядро-энергетика дастури учун кадрлар салоҳиятини ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида***

Ўзбекистон Республикасида 2018 йилда мамлакат атом энергетикасини умумий энергетика балансига киритиш, ундан камида 60 йил давомида хавфсиз фойдаланишни таъминлаган ҳолда республика ҳудудида атом электр станцияси барпо этишни назарда тутувчи ядро-энергетика дастурини амалга оширишга старт берилди.

Ўзбекистон атом энергиясидан тинчлик йўлида фойдаланиш соҳасида илмий базага эга. Хусусан, республикамизда тадқиқот ядро реакторидан фойдаланган ҳолда илмий изланишлар 1959 йилдан бери олиб борилмоқда.

Атом энергетикасини ривожлантириш бўйича халқаро тажрибани ҳамда Халқаро атом энергияси агентлиги тавсияларини ҳисобга олган ҳолда атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш миллий ядровий инфратузилманинг гоят муҳим элементларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 февралдаги «2019 — 2029 йилларда Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПҚ-4165-сон қарорини ижро этиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ядро-энергетика дастурини атом энергиясидан хавфсиз фойдаланиш талабларига жавоб берадиган малакали кадрлар билан ўз вақтида ва тўлақонли таъминлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5484-сон Фармонида мувофиқ Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде «Атом ядроси ва элементар зарралар физикаси, тезлаштирувчи техника», «Ядро физикаси ва ядро технологиялари (қўллаш соҳалари бўйича)», шунингдек, Самарқанд давлат университетиде «Атом ядроси ва элементар зарралар физикаси, тезлаштирувчи техника» янги магистратура мутахассисликлари очилди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июлдаги «Тошкент шаҳрида «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг филиалини ташкил этиш ва унинг фаолиятини ташкиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3875-сон қарорига мувофиқ Тошкент шаҳрида атом соҳаси учун кадрлар тайёрлашда таянч олий таълим муассасаси ҳисобланувчи «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг (Россия Федерацияси) филиали ташкил этилиб, «Ядро энергетикаси ва иссиқлик фи-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 17 октябрда эълон қилинган.

зикаси», «Ядро физикаси ва технологияси», «Иссиқлик энергетикаси ва иссиқлик техникаси», «Электр энергетикаси ва электр техникаси» йўналишлари бўйича талабаларни ўқитиш йўлга қўйилди;

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетининг «Иссиқлик техникасининг назарий асослари» кафедраси «Иссиқлик энергияси ва атом электр станциялари» кафедрасига айлантирилди, унинг негизида «Энергетика (атом энергетикаси)» мутахассислиги бўйича талабаларни ўқитиш ташкил этилди;

2018 йил 19 октябрь кунини Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги Атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда — «Ўзатом» агентлиги) ва «Росатом» давлат корпорацияси (Россия Федерацияси) ўртасида Ўзбекистон Республикаси атом энергетикаси соҳасида кадрларни ўқитиш ва тайёрлашда ҳамкорлик қилиш тўғрисида Ўзаро англашув меморандуми имзоланди, унга кўра 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном олий таълим муассасасида (Россия Федерацияси) Ўзбекистон Республикаси талабаларини ўқитиш бошланди.

2. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Ядро-энергетика дастури учун кадрлар салоҳиятини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари этиб белгилансин:

атом энергиясидан фойдаланишда хавфсизликнинг сўзсиз устуворлиги;
атом электр станцияси (кейинги ўринларда — АЭС) барпо этиш ва ундан фойдаланишда иштирок этувчи ташкилотлар ходимларининг юқори даражадаги хавфсизлик маданиятини доимий равишда таъминлаб бориш;

тегишли лавозим учун талаб қилинган малака ва тажрибага эга бошқарув, муҳандислик, оператив ва таъмирлаш ходимларининг АЭСда ишлашига рухсат беришни таъминлаш;

Халқаро атом энергияси агентлиги (кейинги ўринларда — МАГАТЭ) тавсияларига ва энг яхши халқаро амалиётга асосланган ҳолда кадрлар тайёрлашга тизимли ёндашиш;

кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш узлуксизлиги, тайёрлов дастурлари атом энергиясидан фойдаланиш объектлари ҳаётий даврининг жорий босқичларига, атом энергиясидан фойдаланиш хавфсизлигини давлат томонидан тартибга солувчи махсус ваколатли органнинг хавфсизлик талабларига мослигини таъминлаш.

3. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг Ядро-энергетика дастури учун кадрлар салоҳиятини ривожлантириш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия) 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг Ядро-энергетика дастури учун кадрлар салоҳиятини ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режаси (кейинги ўринларда — Ҳаракатлар режаси) 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

«Ўзатом» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Фанлар академияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ҳаракатлар режасида белгиланган тадбирларнинг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминласин.

4. Белгилансинки, Стратегияда ва Ҳаракатлар режасида назарда тутилган вазифалар ва тадбирларни амалга ошириш «Ўзатом» агентлиги ва ядро-энергетика дастурида иштирок этувчи бошқа вазирлик ва идораларнинг асослантирилган ҳисоб-китобларига биноан Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизмати-ни ривожлантириш агентлиги қошидаги «Эл-юрт умиди» жамғармаси (кейинги ўринларда — «Эл-юрт умиди» жамғармаси):

«Ўзатом» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академияси билан биргаликда 2020 йил ва кейинги йиллар учун «Эл-юрт умиди» жамғармаси маблағлари ҳисобига хорижда кадрлар малакасини ошириш ва стажировка қилиш, шунингдек, хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг магистратура, аспирантура ва докторантурасида ёш мутахассисларни ўқитиш мақсадли кўрсаткичларини тузишда ядро-энергетика дастурида иштирок этувчи вазирликлар ва идораларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олсин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва «Ўзатом» агентлиги билан биргаликда атом энергиясидан фойдаланиш соҳасининг малакали ва юқори малакали мутахассислари бўлган ватандошларимизни ядро-энергетика дастурида иштирок этувчи вазирликлар ва идораларнинг раҳбар лавозимларига жалб қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни мунтазам кўриб борсин.

6. «Ўзатом» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном олий таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиалини моддий-техник таъминлаш бўйича харажатларни қўшимча молиялаштириш, шунингдек, унинг ходимларини Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштириш билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги «Ўзатом» агентлигининг Атом энергетикасини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига моддий рағбатлантириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси энергетика вазири А.С. Султанов зиммасига — Стратегия ва Ҳаракатлар режасини амалга оширишда вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар фаолиятини самарали ташкил этиш ва мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси энергетика вазирининг биринчи ўринбосари — «Ўзатом» агентлигининг бош директори Ж.Т. Мирзамаҳмудов, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари зиммасига — Стратегия ва Ҳаракатлар режасида назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида бажариш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

8. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси оммавий ахборот воситаларида ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини, шунингдек, Стратегия ва Ҳаракатлар режасини амалга ошириш жараёнини ёритиш бўйича мақолалар ва мавзуга доир телекўрсатувлар ташкил этсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 октябрь,
ПҚ-4492-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 16 октябрдаги
ПҚ-4492-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасининг Ядро-энергетика дастури
учун кадрлар салоҳиятини ривожлантириш
СТРАТЕГИЯСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

Биринчи атом электр станциясини (кейинги ўринларда — АЭС) барпо этиш Ўзбекистон Республикасида энергетикани ривожлантиришнинг стратегик йўналишларидан бири ҳисобланади.

Атом энергиясидан фойдаланиш объектлари ҳаётий даврининг барча босқичларида хавфсизлик таъминланган тақдирда, экологик тоза энергия тури ҳисобланади. Бу, шу жумладан АЭС ходимларининг, ядро-энергетика дастурини амалга оширишга жалб этилган назорат органлари, вазирликлар ва идоралар ходимларининг юксак малакаси ва хавфсизлик маданияти орқали таъминланади.

АЭС қурилишини 2022 йилда бошлаш режалаштирилмоқда. Биринчи энергия блокини 2028 йилда, иккинчи энергия блокини эса 2030 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланган.

Ўзбекистон Республикасининг ядро-энергетика дастурини кадр ресурс-

лари билан таъминлаш учун атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида кадрлар тайёрлашнинг самарали миллий тизимини шакллантириш зарур, бу эса Атом энергияси халқаро агентлигининг Миллий ядро инфратузилмасини ривожлантириш бўйича тавсияларига мос келади.

Ядро энергетикаси дастури учун кадрлар тайёрлаш миллий тизимини яратиш вазифаларини комплекс ҳал қилиш лозим, чунки атом соҳасини ривожлантириш нафақат АЭСни эксплуатация қилишда, балки қурилиш, энергетика, материалшунослик, таълим, илм-фан, техника, тиббиёт каби ўзаро боғланган йўналишларда кадрлар тайёрлашни ҳам талаб қилади.

2-боб. Ўзбекистон Республикасининг Ядро-энергетика дастури учун кадрлар салоҳиятини ривожлантириш стратегияси мақсад ва вазифалари

АЭС барпо этиш ва хавфсиз эксплуатация қилиш, АЭСнинг бутун ҳаётий даври мобайнида ядровий ва радиациявий хавфсизликни, АЭС ходимлари, аҳоли ва атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш учун зарур бўлган билим ва кўникмалар олишни таъминлайдиган Ўзбекистон Республикаси атом энергетикаси соҳаси кадрларини комплекс тайёрлаш тизимини яратиш ва келгусида унинг самарадорлигини қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикасининг Ядро-энергетика дастури учун кадрлар салоҳиятини ривожлантириш стратегияси (кейинги ўринларда — Стратегия)нинг мақсади ҳисобланади.

Стратегия мақсадига эришиш учун қуйидаги асосий вазифалар ҳал этилишини таъминлаш зарур:

атом энергетикасини хавфсиз ривожлантириш талабларига мувофиқ ва энг яхши халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда мактаб таълимидан бошлаб олий ўқув юртидан кейинги таълимгача барча босқичларни ўз ичига оладиган атом соҳаси учун кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ва малака ошириш тизимини яратиш;

ядро-энергетика дастури учун кадрлар салоҳиятини ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси ядро-энергетика дастури учун кадрлар тайёрлашга давлат буюртмасини шакллантириш;

миллий ядро-энергетика дастурининг таянч олий таълим муассасаси сифатида «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети» федерал давлат автоном таълим муассасасининг Тошкент шаҳридаги филиали (кейинги ўринларда — «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университетининг Тошкент шаҳридаги филиали) фаолиятини ривожлантириш;

янги таълим муассасалари ташкил этиш, мавжуд таълим муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва таълим дастурлари ҳамда ўқув методикаларини такомиллаштириш;

Атом энергияси халқаро агентлиги (кейинги ўринларда — МАГАТЭ) тавсияларига мувофиқ эксплуатация қилувчи ташкилот ходимлари сифатли тайёрланиши, қайта тайёрланиши ва малака оширишини таъминлаш,

шунингдек, меҳнат фаолияти атом энергиясидан фойдаланиш объектлари хавфсизлигига таъсир кўрсатадиган ходимлар малакасини узлуксиз қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароитлар яратиш;

атом энергиясидан фойдаланишда хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи махсус ваколатли орган, миллий ядро-энергетика дастурини амалга оширишга жалб этилган бошқа давлат органлари ва ташкилотлари мутахассисларини жадал тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

ядро физикаси, ядро тиббиёти, радиокиме, радиация хавфсизлиги, энергетика, материалшунослик, ҳаёт фаолиятини таъминлаш хавфсизлиги, гидрогеология, метеорология, экология ва бошқа соҳаларда профессор-ўқитувчилар таркибини ҳамда илмий ходимларни тайёрлаш;

атом соҳасига ходимларнинг профессионал-техник билимларини баҳолашнинг самарали тизимини ва иш ҳақи миқдори ходимнинг малакаси, соҳадаги иш стажи ҳамда иш берувчи ташкилот ва умуман соҳа фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларига қўшадиган амалдаги реал ҳиссасига боғлиқлигини назарда тутувчи моддий рағбатлантириш тизимини жорий этиш;

атом соҳасига ходимлар учун соҳада ишлаш обрўсини ва жозибadorлигини оширадиган кафолатлар, компенсациялар ва ижтимоий дастурлар тизимини жорий этиш;

АЭС хавфсизлиги ва қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши нуқтаи назаридан кадрлар захирасини яратишга ва атом энергетикаси ташкилотларининг ўта муҳим лавозимларида изчилликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ядро-энергетика дастури учун кадрлар тайёрлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

3-боб. Стратегиянинг асосий йўналишлари

Ўзбекистон Республикасининг ядро-энергетика дастури учун кадрлар салоҳиятини ривожлантириш узоқ муддатга мўлжалланган истиқболдаги мақсадли вазифалардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги асосий йўналишларга мувофиқ амалга оширилади:

атом энергетикаси кадрлар салоҳиятини ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш;

кадрлар тайёрлашга давлат буюртмасини шакллантириш;

«ММФИ» миллий тадқиқот ядро университетининг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ривожлантириш;

таълим муассасаларини ривожлантириш;

АЭСни эксплуатация қилувчи ташкилот ходимларини тайёрлаш;

атом энергиясидан фойдаланишда хавфсизликни таъминлашни давлат томонидан тартибга солиш соҳасидаги органлар мутахассисларини тайёрлаш;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида давлат бошқаруви органлари мутахассисларини тайёрлаш;

профессор-ўқитувчилар таркиби ва илмий ходимларни тайёрлаш;
кадрлар захирасини яратиш ва атом энергетикасининг ўта муҳим лавозимларида изчилликни таъминлаш;
кадрлар тайёрлаш асосида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

**1-§. Атом энергетикаси кадрлар салоҳиятини
ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини
такомиллаштириш**

Атом энергетикаси кадрлар салоҳиятини ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификаторига, шунингдек, Професионал таълим йўналишлари, мутахассисликлари ва касблари классификаторига атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги янги йўналишлар ва таълим мутахассисликларини киритиш;

референт АЭС ташкилий тузилмаси ва штат жадвалидан келиб чиққан ҳолда Хизматчилар асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторига янги лавозимлар киритиш;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги давлат таълим стандартларини, шу жумладан референт АЭС учун ходимлар тайёрлашда фойдаланилган ядро технологияларини етказиб берувчи томонидан таклиф этиладиган таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида фаолият олиб борадиган эксплуатация қилувчи ташкилотлар ва юридик шахслар ходимларига атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида иш олиб бориш ҳуқуқи учун рухсатномалар бериш тартибини тасдиқлаш;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида фаолият олиб борадиган эксплуатация қилувчи ташкилотлар ва юридик шахсларнинг ходимларига нисбатан малака талабларини тасдиқлаш;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида фаолият олиб борадиган эксплуатация қилувчи ташкилотлар ва юридик шахсларнинг бажарадиган фаолиятига қараб атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида иш олиб бориш ҳуқуқи учун рухсатномалар олиши керак бўлган ходимлари лавозимлари рўйхатини тасдиқлаш;

АЭСнинг эксплуатация қилувчи ходимлари билимларини текшириш ва аттестациядан ўтказиш тартиб-таомилини ташкил этиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида кадрлар тайёрловчи, қайта тайёрловчи, малакасини оширувчи таълим муассасаларининг атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида кадрлар тайёрлаш учун лицензиялар (рухсатномалар) олиш ва уларни аккредитациядан ўтказиш тартибини тасдиқлаш;

ядро қурилмалари ва (ёки) сақлаш пунктлари ходимларининг айрим тоифалари, шунингдек, мазкур объектларда назорат функцияларини амалга оширувчи атом энергиясидан фойдаланиш хавфсизлигини давлат томо-

нидан тартибга солувчи махсус ваколатли орган ходимларининг меҳнат шароитларининг ва ижтимоий-маиший таъминоти хусусиятларини тартибга солувчи нормаларни тасдиқлаш;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексига назарда тутилган мажбуриятлар ва ҳуқуқларга нисбатан атом энергиясидан фойдаланиш объектларида меҳнат интизомининг кучайтирилган талабларини белгиловчи эксплуатация қилувчи ташкилотнинг меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми тўғрисидаги уставни тасдиқлаш.

2-§. Кадрлар тайёрлаш учун давлат буюртмасини шакллантириш

Ўзбекистон Республикасининг ядро-энергетика дастури учун кадрлар тайёрлашга давлат буюртмасини ўз вақтида шакллантириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

ядро-энергетика дастури учун кадрларга бўлган эҳтиёжни аниқлаш, шу жумладан қуйидаги тоифадаги мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш учун мутахассисликлар (ихтисосликлар) рўйхатини белгилаш:

а) Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги ҳузуридаги «Ўзатом» атом энергетикасини ривожлантириш агентлиги қошидаги АЭС қурилиши дирекциясининг АЭС қурилишини қўллаб-қувватлаш, шу жумладан лойиҳани бошқариш, иш сифатини назорат қилиш ва ишларни қабул қилиб олишни амалга оширувчи ходимлари;

б) АЭСнинг эксплуатация қилувчи (оператив ва таъмирлаш) ходимлари;

в) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида хавфсизлик масалаларини давлат томонидан бошқариш ва тартибга солиш органлари ходимлари;

г) тайёрланган ходимлар малакасини таъминлаб турадиган ва янги кадрларни ўқитадиган илмий-тадқиқот ва таълим муассасалари ходимлари;

д) АЭС қуришда иштирок этадиган ва АЭСни эксплуатация қилишни қўллаб-қувватлайдиган бошқа ташкилотлар ходимлари;

мутахассисларнинг лавозим мажбуриятларини бажаришга касбий тайёрлиги мезонларини аниқлаш ва уларни ушбу мажбуриятларни бажаришга тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини ошириш;

ўз малакаси ва профессионал тажрибасига кўра атом соҳасини кадрлар билан тўлдирувчи захира манбаларига кирадиган давлат органлари мутахассислари, иқтисодиётнинг турли тармоқларида банд бўлган мутахассислар, таълим муассасалари битирувчилари доирасини белгилаш;

касбий тайёрлигини, билим ва тажриба даражасини ҳисобга олиб, мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш, малакасини оширишнинг йиллик ҳажмларини белгилаш.

3-§. «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети»нинг Тошкент шаҳридаги филиали фаолиятини ривожлантириш

«ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети»нинг Тошкент шаҳри-

даги филиали фаолиятини ривожлантириш мақсадида қўйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

атом тармоғи учун кадрлар тайёрлаш соҳасида таянч олий таълим муассасаси сифатида «ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети»нинг Тошкент шаҳридаги филиалини моддий-техник таъминлаш ва фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

ўқув жараёнини, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳузуридаги Ядро физикаси институтининг ўқув-амалий лабораторияларини лаборатория ва ўқув-лаборатория ускуналари, макетлар ва таҳлилий тренажёрлар билан жиҳозлаш;

«ММФИ» миллий тадқиқот ядро университети»нинг Тошкент шаҳридаги филиалига юқори малакали профессор-ўқитувчилар таркибини жалб қилиш;

бакалаврлар тайёрлаш йўналишларини кенгайтириш;

магистратура очиш;

олий ўқув юртидан кейинги таълимни ташкил этиш;

атом соҳаси ходимлари малакасини оширишнинг тармоқ маркази фаолиятини ташкил этиш.

4-§. Таълим муассасаларини ривожлантириш

Атом соҳасида кадрларни сифатли тайёрлаш узлуксиз тизимини таъминлаш учун таълим муассасаларини ривожлантириш мақсадида қўйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

Миллий ядро-энергетика дастури учун кадрлар тайёрлашга жалб этилган таълим ва илмий муассасаларнинг моддий-техник ва ўқув-лаборатория базасини модернизациялаш дастурини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва амалга ошириш;

Жиззах вилоятида АЭС жойлашадиган асосий майдон танланишини ҳисобга олиб, АЭСнинг эксплуатация қилувчи ходимларини тайёрлашга эътибор берган ҳолда Жиззах политехника институтида кадрлар тайёрлаш йўналишларини кенгайтириш;

АЭС бинолари ва иншоотлари мажмуаси таркибида ўқув-машғулот маркази (кейинги ўринларда — ўқув-машғулот маркази) барпо этиш ва фойдаланишга топшириш;

ўқув-машғулот марказида ишлаш учун ўқитувчилар ва инструкторларни тайёрлаш, уларнинг малакасини доимий қўллаб-қувватлашни, шу жумладан хорижда ташкил этиш;

Жиззах вилоятида «Ўзатом» агентлиги васийлиги ҳамда қўллаб-қувватлаши билан аниқ ва табиий фанлар чуқур ўргатиладиган ихтисослаштирилган мактаб-интернат ташкил этиш;

атом энергетикаси, ядро технологиялари ҳамда ядро ёқилғиси, ишла-тиб бўлинган ядро ёқилғиси ва радиоактив чиқиндилар билан ишлаш бўйича махсус ўқув ва илмий-оммабоп адабиётлар тайёрлаш ва чоп этиш, шунингдек, барча даражадаги таълим жараёнларининг ахборот-методик таъминотини ишлаб чиқиш.

5-§. АЭСни эксплуатация қилувчи ташкилот ходимларини тайёрлаш

Эксплуатация қилувчи ташкилот ходимларини тайёрлаш вақт бўйича АЭС ҳаётий даврининг тўртта босқичига бўлинган:

- 1) барпо этиш;
- 2) фойдаланишга топшириш;
- 3) эксплуатация қилиш;
- 4) фойдаланишдан чиқариш.

Эксплуатация қилувчи ташкилот ходимлари тўртта асосий йўналиш бўйича тайёрланади:

- 1) олий раҳбар ходимлар;
- 2) эксплуатация (оператив ва таъмирлаш) ходимлари;
- 3) ёрдамчи техник ходимлар;
- 4) маъмурий-бошқарув ходимлари.

АЭСнинг олий раҳбар ходимлари тегишли малакага, иш стажига эга бўлган ва атом энергиясидан фойдаланиш объектини бошқариш учун зарур бошқа талабларга жавоб берадиган эксплуатация қилувчи ходимлар орасидан яқка тартибдаги ривожланиш режалари бўйича малакасини ошириш орқали тайёрланади.

Эксплуатация қилувчи ва ёрдамчи техник ходимлар тўрт босқичда тайёрланади:

- 1) АЭСдаги аниқ лавозим учун талаб этиладиган базавий таълим;
- 2) ўқув-машғулот марказида назарий тайёрлаш;
- 3) ўқув-машғулот марказида макетлар, тренажёрлар ва ўқитишнинг бошқа техник воситаларини қўллаган ҳолда амалий тайёрлаш;
- 4) АЭСдаги иш жойида амалиёт ўташ.

АЭСнинг маъмурий-бошқарув ходимлари ўқув-машғулот марказида малакасини ошириш ва назарий тайёргарликдан ўтказиш орқали тайёрланади.

АЭС барпо этиладиган ва фойдаланишга топшириладиган даврда эксплуатация қилувчи ташкилот ходимларини тайёрлашни режалаштириш учун:

вақт давомида ривожланиш даврларини (2020, 2022, 2024, 2026, 2028 йилларда) ҳисобга олган ҳолда эксплуатация қилувчи ташкилотнинг ташкилий тузилмаси ва штат жадвали тегишли таҳрирлари ишлаб чиқилади ҳамда тасдиқланади;

эксплуатация қилувчи ташкилотнинг амалдаги ташкилий тузилмаси ва уни ривожлантириш режалари асосида номзодларни тайёрлаш учун малакали саралаб олиш графиклари, ходимларни ўқитиш графиклари ва қабул қилиш графиклари ишлаб чиқилади;

эксплуатация қилувчи ташкилот ходимларини тайёрлаш дастури потенциал иштирокчиларининг бўлажак иш жойи учун ўрнатилган махсус талабларга мувофиқлиги мезонлари ишлаб чиқилади;

ўз малакасига кўра атом соҳасини кадрлар билан тўлдирувчи захира

манбаларига кирадиган, иктисодиётнинг турли тармоқларида банд бўлган мутахассислар, таълим муассасалари битирувчилари доираси белгиланади.

Биринчи АЭСни фойдаланишга топшириш учун зарур бўлган эксплуатация қилувчи ходимларни тайёрлаш Ўзбекистон Республикаси ҳудудида атом электр станциясини қуришда ҳамкорлик қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Россия Федерацияси Ҳукумати ўртасида 2018 йил 7 сентябрда тузилган битим (кейинги ўринларда — Ҳукуматлараро битим) доирасида амалга оширилади.

Ҳукуматлараро битим татбиқ этилмайдиган АЭС ходимлари давлат таълим муассасалари кучи билан ёки контракт асосида тайёрланади.

АЭСнинг эксплуатация қилувчи ходимларини аттестациядан ўтказиш жараёнида ва атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида иш бажариш учун рухсатномалар беришда қўлланиладиган малака талаблари ва мувофиқлик мезонлари атом энергиясидан фойдаланишда хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи орган томонидан тасдиқланади.

АЭСни эксплуатация қилиш даврида ходимлар малакаси, билими ва кўникмаларини талаб даражасида таъминлаб туриш ўқув-машғулот марказида, шунингдек, зарур ҳолларда, ихтисослашган миллий ва хорижий таълим муассасаларида амалга оширилади.

Эксплуатация қилувчи ходимларнинг билими Атом энергиясидан фойдаланишда хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи махсус ваколатли орган томонидан белгиланган муддатларда текширилиб турилади (аттестациядан ўтказилади).

6-§. Атом энергиясидан фойдаланишда хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органлар мутахассисларини тайёрлаш

Атом энергиясидан фойдаланишда хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи органларнинг мутахассислари учта асосий йўналиш бўйича тайёрланади:

1) атом энергиясидан фойдаланишда хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи махсус ваколатли орган (кейинги ўринларда — регулятор) мутахассислари;

2) ядро ва радиация хавфсизлиги соҳаси экспертлари;

3) атом энергиясидан фойдаланиш объектларида назорат фаолиятини амалга оширувчи саноат, ёнғин, экологик хавфсизлик, санитария-эпидемиология хавфсизлиги, жисмоний ҳимоя қилиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати органлари мутахассислари.

Регулятор мутахассислар учта босқичда тайёрланади:

1) муайян лавозим учун талаб қилинадиган базавий маълумот;

2) ядро ва радиация хавфсизлиги бўйича, шу жумладан ўқув-машғулот марказида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш;

3) ишлаб турган АЭСларда амалиёт ўташ.

Ядро ва радиация хавфсизлиги соҳаси экспертларини тайёрлаш тегишли

олий таълим олиш, шунингдек, зарур ҳолларда ядро ва радиация хавфсизлиги бўйича тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш орқали амалга оширилади.

Атом энергиясидан фойдаланиш объектларида назорат фаолиятини амалга оширувчи саноат, ёнғин, экологик хавфсизлик, санитария-эпидемиология хавфсизлиги, жисмоний ҳимоя қилиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назорати органлари мутахассисларини тайёрлаш, шу жумладан ўқув-машғулот марказида малакасини ошириш орқали амалга оширилади.

Регулятор ходимларини тайёрлашни режалаштириш учун:

регулятор ташкилий тузилмаси ва уни ривожлантириш режалари асосида номзодларни тайёрлаш учун малакали саралаб олиш графиклари, мутахассисларни ўқитиш графиклари ва ишга қабул қилиш графиклари ишлаб чиқилади;

регулятор мутахассисларини тайёрлаш дастурининг потенциал иштирокчиларини бўлажак иш жойи учун ўрнатилган махсус талабларга мувофиқлиги мезонлари ишлаб чиқилади;

ўз малакасига кўра регуляторнинг кадрлар таркибини шакллантирувчи захира манбаларига кирадиган, иқтисодиётнинг турли тармоқларида банд бўлган мутахассислар, таълим муассасалари битирувчиларининг доираси белгиланади.

атом энергиясидан фойдаланиш объектларида назорат фаолиятини амалга оширувчи саноат, ёнғин, экологик хавфсизлик, санитария-эпидемиология хавфсизлиги, жисмоний ҳимоя қилиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги регулятор ва давлат назорати органлари мутахассислари малакаси, билими ва кўникмаларини талаб даражасида таъминлаб туриш ихтисослашган миллий ва хорижий таълим муассасаларида, шу жумладан, зарур ҳолларда, ўқув-машғулот марказида олиб борилиши мумкин. Бунда мазкур органлар мутахассисларининг билими белгиланган тартибда текширилиши (аттестациядан ўтказилиши) лозим.

7-§. Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви органлари мутахассисларини тайёрлаш

Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги давлат бошқаруви органлари мутахассислари икки тоифага бўлинади:

1) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги ваколатли давлат бошқаруви органи (кейинги ўринларда — давлат бошқаруви ваколатли органи) мутахассислари;

2) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида алоҳида ваколатларга эга бўлган давлат бошқаруви органлари мутахассислари.

Давлат бошқаруви ваколатли органи мутахассислари икки босқичда тайёрланади:

1) муайян лавозим учун талаб қилинадиган базавий маълумот;

2) атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида, шу жумладан ўқув-машғулот марказида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш.

Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида алоҳида ваколатларга эга давлат бошқаруви органлари мутахассислари, шу жумладан ўқув-машғулот марказида малака ошириш орқали тайёрланади.

Давлат бошқаруви ваколатли органи ходимларини тайёрлашни режалаштириш учун:

давлат бошқаруви ваколатли органи ташкилий тузилмаси асосида номзодларни тайёрлаш учун малакали саралаб олиш графиклари, мутахассисларни ўқитиш графиклари ва ишга қабул қилиш графиклари ишлаб чиқилади;

давлат бошқаруви ваколатли органи мутахассисларини тайёрлаш дастурининг потенциал иштирокчиларини бўлажак иш жойи учун ўрнатилган махсус талабларга мувофиқлик мезонлари ишлаб чиқилади;

ўз малакасига кўра давлат бошқаруви ваколатли органи кадрлар таркибини шакллантирувчи захира манбаларига кирадиган, иқтисодийнинг турли тармоқларида банд бўлган мутахассислар, таълим муассасалари битирувчилари доираси белгиланади.

Давлат бошқаруви ваколатли органи ва атом энергияси соҳасида алоҳида ваколатларга эга давлат бошқаруви органлари мутахассислари малакаси, билими ва кўникмаларини талаб даражасида таъминлаб туриш ихтисослашган миллий ва хорижий таълим муассасаларида, шу жумладан, зарур ҳолларда, ўқув-машғулот марказида амалга оширилиши мумкин.

8-§. Профессор-ўқитувчилар таркибини ҳамда илмий ходимларни тайёрлаш

Атом энергиясидан фойдаланиш соҳасида олий малакали кадрларни тайёрлаш куйидаги мақсадларда амалга оширилади:

таълим муассасаларини профессор-ўқитувчилар таркиби билан ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларини ушбу соҳадаги илмий ходимлар билан таъминлаш;

атом энергиясидан фойдаланишнинг нознергетик йўналишларини ривожлантириш мақсадида ядро физикаси, ядро тиббиёти, радиация хавфсизлиги, ҳаёт фаолиятини таъминлаш хавфсизлиги, материалшунослик, гидрогеология, метеорология ва бошқа соҳаларда кадрлар тайёрлаш.

9-§. Кадрлар захирасини яратиш ва атом энергетикасининг ўта муҳим лавозимларида изчилликни таъминлаш

АЭС хавфсизлиги нуқтаи назаридан ўта муҳим лавозимларда изчилликни таъминлаш ва қонун ҳужжатлари талабларини бажариш учун эксплуатация қилувчи ташкилот турли бошқарув тажрибасига эга мутахассислар (тест синовларига кўра талабларга мос деб топилган олий таълим муассасаларининг юқори курслари талабалари, энергетика корхоналарининг тажрибали ходимлари, бошқарувчилар ва бошқа малакали мутахассислар) учун кадрлар захирасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқади ҳамда амалга оширади.

Ядро-энергетика дастурини амалга оширишда иштирок этувчи вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар кадрлар захирасини яратиш ва ривожлантириш бўйича ўз режаларини ҳамда бўлинмалар ва алоҳида лавозимлар кесимида энг истиқболли кадрларни аниқлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир тадбирларни ишлаб чиқади.

Атом соҳасининг малакали ва тажрибали ходимлари ёш мутахассисларга ҳам профессионал асосда, ҳам хавфсизлик маданияти ва соҳа қадриятларини ривожлантириш борасида зарур билим ва кўникмаларни ўзлаштиришда кўмаклашишини назарда тутувчи «устоз-шогирд» тизимини ташкил этиш кадрлар захирасини ривожлантириш дастурининг мажбурий таркибий қисми бўлиши лозим.

10-§. Кадрлар тайёрлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш

Кадрлар тайёрлаш соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида қуйидагиларда иштирок этиш бўйича техникавий ҳамкорлик дастури доирасида МАГАТЭ билан ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш зарур:

«Ўзбекистон Республикасида атом электр станцияси ва тадқиқот реактори қуриш бўйича лойиҳани амалга ошириш учун кадрлар салоҳиятини ва миллий ядро инфратузилмасини ривожлантириш» UZB2018004 миллий лойиҳаси доирасидаги ўқув тадбирлари;

технологияларни етказиб берувчи томонидан ташкил этиладиган минтақалараро ўқув лойиҳалари;

МАГАТЭ шафелигида ташкил этиладиган халқаро конференциялар, семинарлар ва кенгашлар.

Кадрлар тайёрлаш, шу жумладан тажриба алмашиш, ўқув семинарлари ва тренингларни, шу жумладан контракт асосида ташкил этиш ва ўтказиш масалалари бўйича хорижий ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қуйидагилар билан биргаликда амалга оширилади:

«Росатом» Давлат корпорацияси таянч олий ўқув юртлари консорциумига қирувчи таълим муассасалари (Россия Федерацияси);

«Росатом» техник академияси» қўшимча касб-хунар таълими автоном нотижорат ташкилоти (Россия Федерацияси);

«Росатом» корпоратив академияси» автоном нотижорат ташкилоти (Россия Федерацияси);

Жаҳон ядро уюшмаси ҳузуридаги Жаҳон ядро университети (Буюк Британия);

АЭСни эксплуатация қилувчи ва ўқув-машғулот мажмуалари ҳамда махсус тренажёрларга эга бўлган хорижий ташкилотлар.

4-боб. Стратегияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

Стратегияни амалга ошириш:

ходимларни тайёрлаш ва мустақил ишлашига рухсат беришдаги ўзига хосликни ҳисобга олиб, АЭСни кадрлар билан таъминлаш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

АЭСни сифатли барпо этиш ва хавфсиз эксплуатация қилишни, ядровий ва радиация хавфсизлигини, ходимлар, аҳоли ва атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлаш учун кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш;

АЭСни сифатли барпо этиш ва хавфсиз эксплуатация қилиш учун республиканинг атом энергетикаси соҳасини олий ва касб-ҳунар маълумотга эга мутахассислар, олий малакали илмий ходимлар, тегишли мутахассисликлар ва ихтисосликлар бўйича профессионал-техник маълумотга эга ходимлар билан таъминлаш;

атом соҳаси, шу жумладан атом энергиясидан фойдаланишда хавфсизликни давлат томонидан тартибга солувчи махсус ваколатли орган учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни таъминлаш;

ядро-энергетика дастури учун кадрлар тайёрловчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида таълим жараёнини самарали илмий-методик, норматив-техник ва ўқув-дастурий қўллаб-қувватлашни таъминлаш;

замонавий ўқув ва илмий-лаборатория базасини яратиш, ядро-энергетика дастури учун кадрлар тайёрловчи таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

олий ва касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг касбий билим даражасини ошириш;

кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантириш мақсадида молиявий маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлаш имконини беради.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

794 Дон, ун ва нон етказиб бериш тизимига бозор механизmlарини тўлиқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

[Кўчирма]

Фермер хўжаликларининг моддий манфаатдорлигини ошириш орқали ғалла ҳосилдорлигини ошириш бўйича олиб борилган тизимли ишлар натижасида жорий йилда 7 млн тоннадан ортиқ ғалла етиштирилиши таъминланди.

Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган ғалла нархини ҳосилдорликдан келиб чиқиб белгилашни назарда тутувчи янги тартиб жорий этилди. Бунинг натижасида жорий йил ҳосилидан қабул қилинган ғалланинг ўртача харид нархи бир тоннаси учун 1 420 минг сўмни ташкил этди ёки ўтган йилга нисбатан деярли икки баробарга ошди.

Бозор муносабатлари иқтисодиётнинг барча жабҳаларига кенг жорий этилиши, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг ҳамда ташқи иқтисодий фаолиятнинг эркинлаштирилиши аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларининг ғалла ва уни қайта ишлашдан олиннадиган маҳсулотларга ошиб бораётган талабларни тўлиқ қондириш имкониятини яратди.

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси тизимидаги ташкилотлар томонидан 2018 йилда 1 470 минг тонна ва 2019 йилнинг 9 ойида — 1 077 минг тонна ун ишлаб чиқарилган, шунингдек, 2018 йилда тадбиркорлар томонидан 650 минг тонна ун ва деярли 2,3 млн тонна дон, 2019 йилнинг 9 ойида эса 345 минг тонна ун ва 1,7 млн тонна ғалла импорт қилинди, бу ўз навбатида аҳолига ун ва ноннинг узлуксиз етказилишини таъминлаш имконини берди.

2018 йил 1 октябрдан 2019 йил 1 октябрга қадар чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик хўжаликлари ва спирт ишлаб чиқарувчи маҳаллий ташкилотлар ҳамда бошқа тадбиркорлик субъектларига биржа савдолари орқали 900 минг тонна ғалла сотилди.

Шунингдек, 2018 йил октябрь ойидан бошлаб олий навли ун барча истеъмолчиларга биржа савдолари орқали ҳеч қандай чекловларсиз сотилмоқда. Бундан ташқари, 2019 йил март ойидан буён макарон, қандолатчилик маҳсулотлари ҳамда ноннинг миллий турларини ишлаб чиқарувчилар-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 октябрда эълон қилинган.

га биржа савдоларида 70 минг тоннадан ортиқ I навли ун тоннаси 1,5 млн. сўмдан 2,1 млн сўмгача бўлган нархларда сотилди.

Шу билан бирга, I нав уннинг улгуржи ва чакана нархларини маъмурий тартибда белгилаш нархларни шакллантиришнинг тўлақонли бозор механизмларини жорий қилиш имконини бермаяпти ва ун ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ишлаб чиқарилган ва сотилган ҳар бир тонна ундан салкам 900 минг сўм зарар кўрмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг «Ғалла етиштирувчи фермер хўжалиklarининг молиявий барқарорлигини таъминлаш тўғрисида» 2019 йил 9 октябрдаги 2787–III-сон қарори ижроси юзасидан, шунингдек, давлатнинг иқтисодиётга аралашувини янада камайтириш, дон ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш соҳасига ҳамда ун нархларини шакллантиришга тўлақонли бозор муносабатларини жорий этиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари ижтимоий ҳимоясининг манзиллилигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра 2019 йил 15 октябрдан:

«Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси тизимидаги ташкилотлар томонидан 2019 йил ҳосилидан тайёрланган ва ун ишлаб чиқаришга йўналтириладиган буғдойдан бошқа ғалла истеъмолчиларининг барча тоифаларига фақат биржа савдолари орқали ҳеч қандай чекловларсиз сотилади. Бунда, ғалланинг бошланғич нархи сотувчи томонидан амалдаги харид нархи, тайёрлаш, ташиш, сақлаш ва бошқа харажатлардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади;

давлат харидлари доирасида сотиб олинган буғдойни қайта ишлашдан олинадиган ун барча истеъмолчиларга ҳеч қандай чекловларсиз 100 фоиз олдиндан тўловни амалга ошириш орқали очиқ биржа савдоларида сотилади. Бунда, 2019 йил 1 декабрга қадар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан шакллантирилган рўйхатга киритилган қолипчи нон ишлаб чиқарувчи ташкилотларга, унни биржа савдоларида 30 фоиз олдиндан тўлов ва якуний ҳисоб-китобни 10 кун ичида амалга оширишга рухсат этилади;

ун нархи кескин ошиб кетишининг олдини олиш мақсадида 2019 йил ҳосилидан тайёрланган буғдойнинг тоннаси ун ишлаб чиқаришга 1 300 минг сўмдан улгуржи нархларда сотилади. Бунда, буғдойнинг ўртача харид нархи ва улгуржи нархи ўртасидаги 120 минг сўм миқдоридagi салбий фарқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қопланади;

«Ўздонмахсулот» акциядорлик компанияси тизимидаги ташкилотлар ўртасида ун ишлаб чиқаришга йўналтириладиган буғдойнинг ички айланмаси қўшилган қиймат солиғисиз улгуржи нархларда (1 300 минг сўм) ҳамда тайёрлаш, ташиш ва сақлаш харажатлари ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади.

2. «Ўздонмахсулот» акциядорлик компаниясига қуйидагилар юзасидан масъулият юкланади:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда донни қайта ишлаш ташкилотлари савдо кунлари бўйича тасдиқ-

ланган ҳажмдаги ун ва дон маҳсулотларининг узлуксиз биржа савдоларига қўйилиши ҳамда ушбу маҳсулотларга талаб ортганда биржа савдоларига қўшимча ун ва дон ҳажмларини қўйиш;

календарь ойи бошланишидан 5 кун олдин биржа савдоларига қўйиладиган ун ва дон ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржасининг расмий веб-сайтида жойлаштириш.

3. Белгилансинки, ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъи назар барча хўжалик юритувчи субъектлар биржа қоидаларига амал қилган ҳолда биржа савдоларида маҳаллий ҳамда импорт қилинган ун ва дон маҳсулотларини эркин сотиш ва сотиб олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитаси Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси билан биргаликда ички бозорда нархларнинг сунъий равишда ошиб кетиши ва бозордаги бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, зарур ҳолларда, бир савдо сессиясида бир харидор томонидан харид қилинадиган ун ва доннинг максимал миқдорини (лимитини) белгилайди ҳамда талаб ва таклифдан келиб чиқиб ушбу ҳажмларга тузатишлар киритади.

4. «Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси томонидан ун ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг харажатларини 18,9 млрд сўмга мақбуллаштириш ҳамда маҳсулот таннархини 10,3 фоизга арзонлаштириш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг 2019 йил 1 октябрдан бошлаб ун ва қолипни нон харид қилиш бўйича қўшимча харажатларни қоплаш учун тўланаётган пул компенсациясини (кейинги ўринларда пул компенсацияси деб аталади) қуйидаги миқдорларда белгилаш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин:

ёшга доир ва ногиронлиги бўйича нафақа, боқувчисини йўқотганлик пенсияси ва нафақаси (ҳар бир боқимандага), болаликдан ногирон бўлган 16 ёшдан катта шахсларга нафақа, 16 ёшгача бўлган ногирон болалар ва 18 ёшга тўлмаган ОИВ инфекциясига чалинган шахсларга нафақа, шунингдек, белгиланган энг кам ёшга доир пенсиянинг миқдоридан кам пенсия олувчи ҳар бир пенсия олувчига бериладиган ҳар ойлик пул компенсацияси — 50 минг сўм;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан икки ёшгача бўлган болалар парвариши учун тайинланган нафақа ёки моддий ёрдам олувчи оилага бериладиган ҳар ойлик пул компенсацияси — 50 минг сўм.

Белгилансинки, 2019 йил 1 октябрдан бошлаб 14 ёшгача бўлган болалари учун тайинланган нафақани олувчи оилаларга ҳамда белгиланган энг кам ёшга доир пенсия миқдоридан кам пенсия олувчиларга ҳам 50 минг сўм миқдоридан кам ойлик пул компенсацияси жорий этилиб, бунинг ҳисобига уларнинг нафақа ва пенсиялари миқдори 50 минг сўмга кўпаяди.

Ушбу бандда назарда тутилган пул компенсацияси пенсия ва нафақалар тўланиши учун масъул бўлган органлар томонидан ҳисобланади ва қайд этилган пенсия ҳамда нафақалар билан бир вақтда тўланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

2019 йилда бюджетдан маблағ олувчиларнинг ун ва қолипли нон харид қилиш билан боғлиқ қўшимча харажатларини қоплаш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан маблағ ажратсин;

бола икки ёшга тўлгунга қадар бола парвариши бўйича нафақа, 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа ва моддий ёрдам олувчи оилалар ҳамда белгиланган ёшга доир пенсиянинг энг кам миқдорига пенсия олувчиларига ҳар ойлик пул компенсацияси октябрь ойи учун қайта ҳисоб-китоб қилиниб ноябрь ойида тўланишини таъминласин;

2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда ушбу қарорнинг амалга оширилиши билан боғлиқ харажатларни қоплашга маблағлар ажратилишини назарда тутсин.

7. Қўйидагилар учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг шахсан жавобгарлиги белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан биргаликда тадбиркорлик субъектларининг, биринчи навбатда қолипли нон ишлаб чиқарувчи ва уннинг чакана савдоси билан, айниқса, республиканинг чекка ҳудудларида уннинг чакана савдоси билан шуғулланувчи тадбиркорларнинг маҳаллий унни сотиш бўйича ўтказиладиган биржа савдоларида иштирок этишига имконият яратиш ва уларнинг ушбу савдоларга жалб этилишини таъминлаш;

барча аҳоли пунктларида истеъмолчиларга ун ва қолипли ноннинг узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш;

аҳолининг эҳтиёжманд қатламларининг ун нархи эркинлаштирилиши билан боғлиқ қўшимча харажатларини қоплаш учун берилаётган пул компенсацияларини ўз вақтида тўланишини таъминлаш.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси топшириғига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри прокурорлари томонидан барча аҳоли пунктларидаги чакана савдо шохобчаларида ун ва қолипли ноннинг истеъмолчиларга узлуксиз етказиб берилиши устидан кунлик қатъий назорат ўрнатилиши ҳамда 2020 йил 1 январгача ҳар ҳафтада Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ва Вазирлар Маҳкамасига таҳлилий маълумотлар киритиб борилиши маълумот учун қабул қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида ҳамда Интернет тармоғида кенг ёритилишини ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси 2020 йил 1 январдан бошлаб, донни қайта ишлаш корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган ун ҳажмлари тўғрисидаги маълумотларни ҳар чоракдан кейинги

ойнинг 20-санасига қадар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Молия вазирлигига тақдим этиб борсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти, «Ўзкимёсаноат» акциядорлик жамияти икки ой муддатда қишлоқ хўжалиги ташкилотларида ғалла етиштириш учун талаб этиладиган ёқилғимойлаш маҳсулотлари, минерал ўғитлар, ўсимликларни химоя қилиш воситаларини ҳамда бошқа ресурсларни етказиб беришнинг амалдаги тизимини янада такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, тижорат банклари билан биргаликда 2021 йил ғалла ҳосилини молиялаштиришда қишлоқ хўжалиги ташкилотларига имтиёзли кредитлар ажратиш тизимини такомиллаштиради.

15. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда ривожланган давлатлар тажрибасини чуқур таҳлил қилган ҳолда 2021 йил ҳосилидан бошлаб бозорда шаклланган талаб ва тақлиф асосида қишлоқ хўжалиги ташкилотлари томонидан ғаллани эркин нархларда сотиш тизимини жорий этсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

17. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 октябрь,
866-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 14 октябрдаги 866-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 мартдаги 249-сон қарори билан тасдиқланган нархлари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солинадиган ижтимоий аҳамиятли товарлар (хизматлар) ва уларнинг стратегик турлари рўйхатининг 1 ва 2-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 августдаги 684-сон қарори 2-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 сентябрдаги 731-сон қарорида:

а) 2-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 3-банднинг «б» кичик бандидаги «ушбу қарорнинг 2-бандида назарда тутилган» сўзлари чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

795 «Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» акциядорлик жамиятининг фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 13 майдаги ПФ–5715-сон Фармони ижросини таъминлаш, республика ипотека бозорини бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида қўшимча ривожлантириш ва янги молиявий воситаларни татбиқ этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредити бозорини ривожлантириш ва кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 13 майдаги ПФ–5715-сон Фармонида республикада акциядорлик жамияти шаклидаги ипотекани қайта молиялаштириш компаниясини ташкил қилиш ва 2019 йилда унинг фаолият кўрсатишини йўлга қўйиш белгилангани маълумот учун қабул қилинсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 15 октябрда эълон қилинган.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Марказий банки ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг бошланғич устав капитали миқдори 25,0 млрд сўм бўлган акциядорлик жамияти шаклидаги қайта молиялаштириш кредит ташкилоти — Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компаниясини (кейинги ўринларда компания деб аталади) таъсис этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги компания устав капиталда давлат номидан акциядор сифатида иштирок этади;

компания устав капиталда 25 млрд сўм миқдордаги давлат улуши Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан ажаратиладиган маблағлар ҳисобидан шакллантирилади.

4. Қўйидагилар компаниянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

маҳаллий ва халқаро капитал бозорларида молиявий ресурсларни, шу жумладан халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағларини жалб қилиш ва кейинчалик ипотека кредитларини қайта молиялаштиришга йўналтириш;

аҳолининг арзон уй-жойларга ортиб бораётган эҳтиёжини қаноатлантириш учун бозор тамойиллари асосида тижорат банкларига молиявий ресурслар тақдим этиш;

қимматли қоғозлар, шу жумладан ипотека қимматли қоғозларни чиқариш ва инвесторлар ўртасида жойлаштиришни ташкил этиш;

ипотека кредити тизимини такомиллаштиришга қўмаклашиш, ипотека бозорини ривожлантиришнинг замонавий услуб ва воситаларини татбиқ этиш, ипотека кредити ва ипотека қимматли қоғозлар бозорида ликвидликни ошириш ва таваккалчиликни камайтириш;

ипотека кредити ва қайта молиялаштириш соҳасидаги методологик ҳамда норматив-ҳуқуқий базани, шу жумладан хорижий эксперт ва мутахассисларни жалб қилган ҳолда ишлаб чиқишда иштирок этиш.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Марказий банк билан биргаликда икки ой муддатда:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда компанияни давлат рўйхатидан ўтказиш, унинг корпоратив ҳужжатларини тасдиқлаш, шунингдек, бошқарув ва назорат органларини юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш бўйича тегишли тадбирларни белгиланган тартибда амалга оширсин;

тижорат банкларига ипотека кредитларини қайта молиялаштириш тартиби, қайта молиялаштириш учун тижорат банкларини танлаш мезонлари, шунингдек, ипотека кредитларини қарзга олувчиларни танлаб олиш шартлари тўғрисидаги низомларни хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда компанияга ёрдам кўрсатсин.

6. Компания эмиссия қимматли қоғозларни чиқаришни давлат рўйха-

тидан ўтказиш ва қимматли қоғозларни чиқариш билан боғлиқ бўлган хужжатларни кўриб чиқиш учун йиғимлар тўлашдан озод этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бир ой муддатда компанияни жойлаштириш чораларини кўрсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг инвестициялар ва ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ўринбосари Э.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 октябрь,
868-сон

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ****796 Портловчи материалларнинг муомаласи соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
14 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2803-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5594-сон «Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4058-сон «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2016 йил 20 майдаги 54-сон буйруғи (рўйхат рақами 2803, 2016 йил 20 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 25-сон, 310-модда) билан тасдиқланган Портловчи материалларнинг муомаласи соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис в. б.

Б. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 сентябрь,
15/ЮБ-40-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг
2019 йил 30 сентябрдаги
15/ЮБ-40-сон қарорига
ИЛОВА

Портловчи материалларнинг муомаласи соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар

1. 2-банддаги «Миллий» деган сўз «Давлат» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. 4-банднинг бешинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг тегишли ҳудудий бошқармаларига (бундан буён матнда ҳудудий бошқарма деб юритилади), ҳудудий ички ишлар органига, Давлат хавфсизлик хизматининг ҳудудий бўлинмасига ҳамда юқори турувчи органига (агар мавжуд бўлса ўзи бўйсунувчи ташкилотга) зудлик билан тезкор хабар юбориши;».

3. 6-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Ҳудудий бошқарма, ҳудудий ички ишлар органи ҳамда Давлат хавфсизлик хизматининг ҳудудий бўлинмаси тезкор хабар келиб тушганда, бу ҳақда юқори турувчи органини дарҳол хабардор қилиши шарт.».

4. 8-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси раисининг (раис ўринбосарларининг) буйруғи билан тузиладиган ҳудудий бошқарма вакили раислик қиладиган Портловчи материалларнинг йўқолиши сабабларини техник жиҳатдан текшириш комиссияси (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) томонидан амалга оширилади.

Комиссия йўқолган портловчи материалларнинг тури, номи, миқдори, хоссалари, йўқолган жой ва бошқа ҳолатлардан келиб чиқиб Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси вакили раислик қиладиган таркибда тузилиши мумкин.».

5. 9-банднинг иккинчи хатбошисидаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясининг» деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 11-банддаги «минтақавий инспекцияга» деган сўзлар «ҳудудий бўлинмага» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 12-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12. Комиссияни тузиш ҳақидаги буйруқ қабул қилинган куни унинг нусхаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматига юборилади.».

8. 14-банддаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи»

деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. 24-банднинг иккинчи ва учинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига (Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси вакили Комиссия раиси бўлганда);

тегишли ҳудудий бошқармага ҳамда ҳудудий ички ишлар бошқармасига (ҳудудий бошқарма вакили Комиссия раиси бўлганда) юборилишини таъминлайди.»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
САНОАТ ХАВФСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

797 **Хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги аварияларни техник жиҳатдан текшириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
14 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2558-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ-5594-сон «Саноат, радиация ва ядро хавфсизлиги соҳасида давлат бошқаруви ва назорати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2018 йил 12 декабрдаги ПҚ-4058-сон «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаъри-ни геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2014 йил 9 январдаги 5-сон буйруғи (рўйхат рақами 2558, 2014 йил 3 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 6-сон, 69-модда) билан тасдиқланган Хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги аварияларни техник жиҳатдан текшириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 октябрда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис в. б.

Б. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 сентябрь,
04/ЮБ-39-сон

Ўзбекистон Республикаси
Саноат хавфсизлиги давлат
қўмитасининг 2019 йил 30 сентябрдаги
04/ЮБ-39-сон қарорига
ИЛОВА

**Хавфли ишлаб чиқариш объектларидаги аварияларни
техник жиҳатдан текшириш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 3-банднинг бешинчи хатбошисидаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси ва унинг минтақавий инспекцияларини» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бошқармаларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 6-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авария сабабларини техник жиҳатдан текшириш Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси раисининг буйруғи билан ташкил этиладиган ва давлат қўмитаси вакили бошчилик қиладиган Хавфли ишлаб чиқариш объектидаги авария сабабларини техник жиҳатдан текширувчи комиссия (бундан буён матнда Комиссия деб юритилади) томонидан амалга оширилади.».

3. 10-банддаги «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси бошлиғи» деган сўзлар «Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**798 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
14 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2966-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 11 октябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2018 йил 4 январдаги 1, 1, 01/15-1-10/01-сон «Кўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича намунавий шартномани тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2966, 2018 йил 29 январь) давлат реестридан чиқарилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 октябрь,
467-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 14 октябрда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**799 Қайта суғурта қилиш хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2190-2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги ПҚ-4412-сон «Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 5-бандига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2010 йил 27 декабрдаги 111-сон буйруғи (рўйхат рақами 2190, 2011 йил 29 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 4-5-сон, 46-модда) билан тасдиқланган Қайта суғурта қилиш хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 8¹-банд билан тўлдирилсин:

«8¹. Қайта суғурталовчи (қайта суғурта брокери) суғурта мажбуриятларини қайта суғурталаш учун хорижий суғурта ташкилотларига беришдан аввал бериладиган суғурта мажбуриятларининг камида 50 фоизи миқдориди қайта суғурталаш бўйича офертани (қайта суғурталаш шартномаларини тузиш таклифларини) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қайта суғурталаш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган суғурта ташкилотларига юбориши шарт. Бунда:

оферта шартлари суғурта мажбуриятларини хорижий суғурта ташкилотларига қайта суғурталашга бериш шартларига мувофиқ бўлиши керак;

оферта акцепти ёки акцептни рад этиш қайта суғурталовчилар — маҳаллий суғурта ташкилотлари томонидан, агар офертада акцепт учун кечроқ муддат кўрсатилмаган бўлса, икки иш кунидан кечикмаган ҳолда амалга оширилади;

суғурта мажбуриятлари қайта суғурталовчи — маҳаллий суғурта ташкилоти томонидан ўзининг ушлаб қолиш ҳажми доирасида қабул қилинади;

қайта суғурталовчи — маҳаллий суғурта ташкилоти суғурта ҳодисаси содир бўлган тақдирда ва асосий суғурта шартномаси бўйича суғурта тўловини амалга оширишда қайта суғурталаш шартномаси шартлари доирасида қайта суғурта қилдирувчининг қарорларига амал қилади.

Ушбу банд талаблари облигатор қайта суғурталашга татбиқ этилмайди ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва инвестиция битимларида ўзгача тартиб назарда тутилган бўлса, қўлланилмайди.».

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 октябрда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 30 сентябрь,
101-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

800 «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2802-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 октябрдаги 858-сон «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан **буйруман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2016 йил 15 июндаги 157-мқ-сон «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2802, 2016 йил

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 октябрда эълон қилинган.

15 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 24-сон, 303-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 октябрь,
469-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

801 Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан гаровдан фойдаланиш тўғрисидаги низом, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 757-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 октябрда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

М. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 14 сентябрь,
01-02/8-53-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил
14 сентябрдаги 01-02/8-53-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан 1999 йил 19 майда 02/8-55-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан гаровдан фойдаланиш тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 757, 1999 йил 28 июнь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 й., 7-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2012 йил 7 августдаги 01-02/8-17-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан гаровни қўллаш тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 757-1, 2012 йил 5 сентябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 36-сон, 416-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2016 йил 15 апрелдаги 01-02/8-24-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан гаровни қўллаш тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 757-2, 2016 йил 27 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 17-сон, 182-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2018 йил 30 декабрдаги 01-02/13-76-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан гаровни қўллаш тўғрисидаги низомнинг 1.2-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 757-3, 2019 йил 21 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.01.2019 й., 10/19/757-3/2512-сон).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**802 Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2835-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 декабрдаги ПФ–5597-сон «Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими самарадорлигини ошириш ва пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2016 йил 5 октябрдаги 77-сон буйруғи (рўйхат рақами 2835, 2016 йил 26 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 510-модда) билан тасдиқланган Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 7 октябрь,
102-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2019 йил 7 октябрдаги
102-сон буйруғига
ИЛОВА

Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар

1. 5-банднинг олтинчи хатбошисидаги «ишга жойлашганлигини яшириш» деган сўзлар «қасддан нотўғри ҳужжатларни тақдим этиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 октябрда эълон қилинган.

2. 12-бандда:

учинчи хатбошидан «, пенсия ва нафақалар тўланган вақтда ишга жойлашганлигини яшириш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошидаги «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 12-бандда:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишли равишда тўртинчи ва бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

803 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2252-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 14 октябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. Ушланган транспорт воситалари ҳисоби шаклини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруқни (рўйхат рақами 2252, 2011 йил 8 август) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2019 йил 12 октябрдаги 24/5-27258-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2011 йил 6 июлдаги 99-сон «Ушланган транспорт воситалари ҳисоби шаклини тасдиқлаш

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 октябрда эълон қилинган.

тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2252, 2011 йил 8 август) давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 октябрь,
472-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

804 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 168-1

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 30 сентябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 октябрда эълон қилинган.

1. Қуйидагилар:

Давлат архитектура ва қурилиш назорати органларини таъминлаб туриш учун харжлар миқдорини белгилаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 июлдаги 603-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ҳузуридаги Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси тўғрисидаги намунавий низомда белгиланганлиги;

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 36-моддасига асосан янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга зарур ўзгартиришлар ва (ёки) қўшимчалар киритилади ва илгари қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги ҳуқуқий нормаларга зид бўлса ёхуд янги ҳужжат билан тўлалигича қамраб олинган ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган, лекин расман ўз кучини йўқотган деб топилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб топиллиши лозимлиги;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигига Давлат архитектура ва қурилиш назорати органларини таъминлаб туриш учун харжлар миқдорини белгилаш тартибини (рўйхат рақами 168, 1995 йил 31 август) ўз кучини йўқотган деб топиш бўйича 2019 йил 28 августда киритилган 1-6/4-1453/8-сон тақдимнома талаблари бажарилмаганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 18-бандига асосан вазирлик ва идоралар томонидан Адлия вазирлигининг давлат рўйхатидан ўтказилган норматив ҳужжатларни қонунчиликка мувофиқ ҳолга келтириш ҳақидаги тақдимномаси бажарилмаган тақдирда Адлия вазирлиги меъёрий ҳужжатни давлат реестридан чиқаришга ҳақли эканлиги ва бу меъёрий ҳужжатни юридик кучга эга эмас деб ҳисоблаш учун асос бўлиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давархитектқурилиш қўмитаси томонидан 1995 йил 28 апрелда 4-сон билан тасдиқланган Давлат архитектура ва қурилиш назорати органларини таъминлаб туриш учун харжлар миқдорини белгилаш тартиби (рўйхат рақами 168, 1995 йил 31 август) давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 октябрь,
473-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**805 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1714-1*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 15 октябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорларига асосан, **буюраман:**

1. «Ишлаб чиқарилган этил спирт — ректификатини синовдан ўтказиш ва тайёр маҳсулотлар омборхонасига топшириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни (рўйхат рақами 1714, 2007 йил 6 сентябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлигининг 2019 йил 6 октябрдаги 06/4282-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2007 йил 24 августдаги 214-Қ-сон «Ишлаб

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 октябрда эълон қилинган.

чиқарилган этил спирт — ректификатини синовдан ўтказиш ва тайёр маҳсулотлар омборхонасига топшириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1714, 2007 йил 6 сентябрь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 октябрь,
474-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

806 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1581-4

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 16 октябрдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 16 октябрда эълон қилинган.

қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан,
буюраман:

1. «Суд бошқарувчиларининг аттестация комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1581, 2006 йил 12 июнь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2019 йил 14 октябрдаги 63/03-23-сон хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2006 йил 15 майдаги 1-сон «Суд бошқарувчиларининг аттестация комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1581, 2006 йил 12 июнь);

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2010 йил 24 июндаги 5-сон «Суд бошқарувчиларининг аттестация комиссияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1581-1, 2010 йил 8 июль);

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2013 йил 9 сентябрдаги 01/24-26/13-сон «Суд бошқарувчиларининг аттестация комиссияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1581-2, 2013 йил 18 сентябрь);

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2017 йил 25 майдаги 01/24-26/09-сон «Суд бошқарувчиларининг аттестация комиссияси тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1581-3, 2017 йил 8 июнь) Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин.

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кириди.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 октябрь,
475-мҲ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ
КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

807 Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 17 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-А

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги ПФ–5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар микдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 июлдаги ПҚ–4400-сон «Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 17 апрелдаги 343-В ва 14-сон қарори (рўйхат рақами 2886, 2017 йил 23 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 21-сон, 401-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 17 октябрда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 август,
343-В-4-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши
курашиш департаменти бошлиғи**

Д. РАХИМОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 август,
23-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқаруви ва Ўзбекистон
Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги
Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш
департаментининг 2019 йил 24 августдаги
343-В-4, 23-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган
даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялашти-
ришга ва оммавий қирғин қуроолларини тарқатишни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат
қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:
«**учинчи томон** — пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғ-
лиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар.».

2. 22-банднинг «б» кичик бандида:
иккинчи — олтинчи ва тўққизинчи хатбошиларидаги «энг кам иш ҳақи»
деган сўзлар «базавий ҳисоблаш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
еттинчи хатбоши «сотиб олиними» деган сўзлардан кейин «(резидент
жисмоний шахслар томонидан эквиваленти 100 АҚШ долларидан ошган
миқдорда нақд чет эл валютаси сотиб олинганда)» деган сўзлар билан тўлди-
рилсин.

3. Қуйидаги мазмундаги 23²-банд билан тўлдирилсин:
«23². Тижорат банклари мазкур Қоидаларнинг 23-банди иккинчи —
тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган мижозларни лозим даражада
текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширган учинчи томонларнинг

лозим даражада текшириш натижаларига ишонишлари мумкин. Мазкур ҳолларда мижозларни лозим даражада текшириш натижалари бўйича сўнги жавобгарлик тижорат банкларининг зиммасида қолади. Бунда тижорат банклари:

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар юзасидан зарур бўлган маълумотларни (электрон тизимлар орқали) кечиктирмасдан олиш имкониятига эга бўлиши;

мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар юзасидан идентификациялаш маълумотлари ва бошқа тегишли ҳужжатлар нусхасини сўров асосида кечиктирмасдан олиш имкониятига эга бўлиши;

учинчи томон жинойӣ фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондалари асосида ишлашига ишонч ҳосил қилишлари керак.

Тижорат банклари мазкур банднинг иккинчи — тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган талаблардан бирига риоя қилинмаган тақдирда, мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни мустақил равишда амалга ошириши керак.

Тижорат банклари мижоз билан иш муносабатларига киришиш тўғрисидаги қарорни ўз таваккалчиликларидан келиб чиқиб, мустақил равишда қабул қилади ҳамда мижозни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга ҳақли.

Тижорат банклари шартномада ва (ёки) шартнома офертасида мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар тижорат банклари томонидан амалга оширилиши мумкинлигини кўрсатиши лозим.»

4. 26-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«26. Тижорат банки томонидан жисмоний шахс — мижозни идентификациялаш шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) ёки мижознинг биометрик маълумотлари асосида амалга оширилади. Бунда тижорат банки жисмоний шахс — мижоз идентификацияси:

шахсни тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки унинг ўрнини босадиган ҳужжат) асосида амалга оширилганда бундай ҳужжатнинг асли билан таънишиб чиқиши;

биометрик маълумотлар асосида амалга оширилганда эса ушбу маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ахборот тизими билан верификация қилиши лозим.»

5. 38-банднинг бешинчи ва олтинчи хатбошиларидаги «энг кам иш ҳақининг 50 баравари миқдоригача» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 бараваригача» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 45-банднинг тўртинчи хатбошиси «томонидан амалга оширилган» деган сўзлардан кейин «ёки тижорат банклари томонидан биометрик маълумотлар асосида идентификация қилинган, шунингдек учинчи томонлар амалга оширган мижозларни лозим даражада текшириш натижаларига тижорат банкларининг ишонган» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

7. 48-бандда:

ўн учинчи, ўн бешинчи, ўн олтинчи ва ўн тўққизинчи хатбошилардаги «энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорига» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараварига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн еттинчи хатбошидаги «энг кам иш ҳақининг 1000 баравари миқдорига» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараварига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн саккизинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«жисмоний шахсларнинг фойдасига юридик шахслар ёки якка тартибдаги тадбиркорлар ҳисобварақларидан операция амалга оширилиш кунига белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 1000 бараварига тенг ёки ундан ошадиган суммадаги пул маблағларининг дивиденд ёки даромад сифатида қўчирилиши;»;

йигирманчи хатбоши чиқариб ташлансин;

йигирма биринчи ва йигирма иккинчи хатбошилар тегишли равишда йигирманчи ва йигирма биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

йигирманчи хатбошидаги «миқдори энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

йигирма биринчи хатбоши «олувчининг ҳисобварағига» деган сўзлардан кейин «операция амалга оширилиш кунига белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараварига тенг ёки ундан ошадиган суммада» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

8. 49-бандда:

учинчи, тўртинчи, еттинчи ва ўн бешинчи хатбошилардаги «энг кам иш ҳақининг 500 баравари миқдорига» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 бараварига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

ўн тўртинчи хатбошидаги «энг кам иш ҳақининг 20000 баравари миқдорига» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг 20000 бараварига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

808 Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 17 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3029-3

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/9-сон қарори (рўйхат рақами 3029, 2018 йил 29 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 26-сон, 532-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 24 август,
21/14-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
24 августдаги 21/14-сон қарорига
ИЛОВА

Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-банднинг бешинчи хатбошисидан «норезидент» деган сўз чиқариб ташлансин.

2. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 17 октябрда эълон қилинган.

«5. Чет эл валютасини айирбошлаш операциялари базавий ҳисоблаш миқдорининг 500 баравари миқдорига тенг бўлган ёки ундан ошган ҳолларда, жисмоний шахслардан шахсини тасдиқловчи ҳужжат (ЯТТдан қўшимча равишда давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси) талаб этилади (чет эл валюталарини сотиш операцияси бундан мустасно) ва ушбу ҳужжат нусхалари операцияларни амалга оширган ходимлар томонидан банк кунлик ҳужжатларига тикиб қўйилади.»

3. 2-боб номидаги ва 6-банддаги «валюта айирбошлаш операциялари» деган сўзлар «нақдсиз шаклда чет эл валютасини сотиш операциясини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. 10-банддан «ариза ҳамда» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. 3-боб номи «томонидан» деган сўздан кейин «нақдсиз шаклда» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

6. 32-банднинг учинчи хатбошисидан «норезидент» деган сўз чиқариб ташлансин.

7. 34-банд «детектор ёки тестер,» деган сўзлардан кейин «тўлов терминаллари,» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

8. 41-банднинг бешинчи хатбошисидagi «энг кам ойлик иш ҳақининг» деган сўзлар «базавий ҳисоблаш миқдорининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. Қуйидаги мазмундаги 47¹-банд билан тўлдирилсин:

«47¹. Валюта айирбошлаш шохобчаларида резидент жисмоний шахсларга эквиваленти 100 АҚШ долларигача (шу жумладан, эквиваленти 100 АҚШ долларига тенг миқдорда) нақд чет эл валютасини сотиш операцияси улардан шахсини тасдиқловчи ҳужжат талаб этилмаган ҳолда шохобчага топширган нақд ёки шахсий банк картасидан ечиб олинган миллий валюта миқдори доирасида амалга оширилади.»

10. 48-банднинг биринчи хатбошисидан «халқаро жорий операциялар амалга оширилиши натижасида» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

11. 49-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«49. Чет эл валютаси:

резидент жисмоний шахсларга сотилганда, мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ 09007-сон шаклдаги маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилади. 09007-сон шаклдаги маълумотноманинг бир нусхаси резидент жисмоний шахсга берилади, иккинчи нусхаси унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати нусхаси (эквиваленти 100 АҚШ долларидан ошган миқдордаги чет эл валютаси сотилганда) ва бошқа ҳужжатлар билан бирга;

норезидент жисмоний шахсларга сотилганда, мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ 09007-сон шаклдаги маълумотнома икки нусхада расмийлаштирилади. 09007-сон шаклдаги маълумотноманинг бир нусхаси норезидент жисмоний шахсга берилади, иккинчи нусхаси унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати нусхаси, тегишлилиги бўйича терминал (банкомат) чеки ёхуд республика ҳудудида миллий валюта маблағларининг қонуний манбалардан олинганлигини тасдиқловчи ва бошқа ҳужжатлар билан бирга мазкур Низомнинг 11-иловасига мувофиқ шаклдаги 09010-сон реестрга илова қилинади ва ҳисобот тузиш учун асос ҳисобланади.»

12. 10-илова мазкур ўзгартириш ва қўшимчаларнинг иловасига мувофиқ тахрирда баён этилсин.

13. 11-иловадаги «Норезидентларга» деган сўз «Жисмоний шахсларга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга
ИЛОВА

«Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
10-ИЛОВА

09007-шакл

Тижорат банкининг эмблемаси

_____ (тижорат банкининг номи)

_____ (валюта айирбошлаш шохобчасининг штампи)

-сон маълумотнома

20 _____ йил « _____ » _____
(кун) (ой)

_____ дан*
(Ф.И.О.)

_____ қабул қилинди.
(миллий валютанинг суммаси рақам ва сўз билан)

_____ берилади.
(чет эл валютасининг суммаси рақам ва сўз билан)

Кассирнинг штампи ва имзоси _____

Назоратчининг штампи ва имзоси _____

Мижознинг имзоси _____

* *Изоҳ: чет эл валютасининг эквиваленти 100 АҚШ долларидан кўп бўлганда тўлдирилади.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

809 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига қўшимча тўловни белгилаш, тўлаш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 17 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2675-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 мартдаги ПФ-5379-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат хавфсизлиги тизими-ни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 21 майдаги ПФ-5723-сон «Меҳнатга ҳақ тўлаш, пенсиялар ва бошқа тўловлар миқдорларини аниқлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати ва Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 15 майдаги 43, 12, 6, 4, 54 ва 01-02/5-20-сон қарори (рўйхат рақами 2675, 2015 йил 21 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 20-сон, 264-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига қўшимча тўловни белгилаш, тўлаш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 17 октябрда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 17 сентябрь,
100-сон

Ички ишлар вазири**П. БОБОЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 17 сентябрь,
78-сон

Мудофаа вазири**Б. ҚУРЪАНОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 17 сентябрь,
31-сон

**Фавқулодда вазиятлар
вазири в. б.****Т. ХУДАЙБЕРГЕНОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 17 сентябрь,
26ҚҚ-сон

**Давлат хавфсизлик
хизмати раиси****А. АЗИЗОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 17 сентябрь,
19-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси****М. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 17 сентябрь,
01-02/5-56-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги,
Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар
вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати,
Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил
17 сентябрдаги 100, 78, 31, 26ҚҚ, 19,
01-02/5-56-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари
ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар
пенсиясига қўшимча тўловни белгилаш, тўлаш ва
молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Муқаддимадаги, 1-илованинг номи ва 1-позициясидаги ҳамда 2-илованинг номидаги «энг кам иш ҳақининг» деган сўзлар «пенсияни ҳисоблашнинг базавий» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 3 ва 6-бандлардаги ҳамда 7-банднинг биринчи хатбошисидаги «энг кам иш ҳақи» деган сўзлар «пенсияни ҳисоблашнинг базавий миқдори» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 4-бобнинг номидаги ҳамда 12 — 15, 18 ва 19-бандлардаги «Миллий хавфсизлик хизмати» деган сўзлар «Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

4. Мазкур ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати билан келишилган.

Миллий гвардия қўмондони

Б. ТАШМАТОВ

2019 йил 17 сентябрь

*Ўзбекистон Республикаси
Президенти Давлат хавфсизлик
хизматининг раиси в. б.*

Б. ТАШМАТОВ

2019 йил 17 сентябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**810** «Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 17 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1933-2

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 сентябрдаги 807-сон «Адвокатлик гувоҳномасини бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига асосан **бююраман:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси мазкур буйруқни давлат рўйхатидан ўтказсин ҳамда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан келишилган.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 17 октябрь,
479-мх-сон

Келишилган:

Адвокатлар палатаси раиси

А. ЭРНАЗАРОВ

2019 йил 15 октябрь

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 17 октябрда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2019 йил 17 октябрдаги
479-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2009 йил 31 мартдаги 85-мх-сон «Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1933, 2009 йил 31 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 14-сон, 169-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 7 декабрдаги 545-мх-сон «Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1933-1, 2018 йил 7 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 08.12.2018 й., 10/18/1933-1/2284-сон).

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 12 октябрдан 18 октябргача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 15/ЮБ-40-сон «Портловчи материалларнинг муомаласи соҳасида фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларда портловчи материалларнинг йўқолишини техник жиҳатдан текшириш ва ҳисобга олиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 14 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2803-1.

2. Ўзбекистон Республикаси Саноат хавфсизлиги давлат қўмитасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 04/ЮБ-39-сон «Хавфли ишлаб чиқариш объекларидаги аварияларни техник жиҳатдан текшириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 14 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2558-1.

3. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 14 октябрдаги 467-мҳ-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 14 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2966-1.

4. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 30 сентябрдаги 101-сон «Қайта суғурта қилиш хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартлари тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2190-2.

5. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғи 2019 йил 16 октябрдаги 469-мҳ-сон «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2802-1.

6. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 14 сентябрдаги 01-02/8-53-сон «Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан гаровдан фойдаланиш тўғрисидаги низом, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 757-4.

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 7 октябрдаги 102-сон «Пенсия, нафақа ва бошқа тўловлардан чегирма қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2835-2.

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 16 октябрдаги 472-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2252-1.

9. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 16 октябрдаги 473-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 168-1.

10. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 16 октябрдаги 474-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1714-1.

11. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 16 октябрдаги 475-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 16 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1581-4.

12. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг 2019 йил 24 августдаги 343-В-4, 23-сон «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 17 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-4.

13. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 24 августдаги 21/14-сон «Тижорат банкларида жисмоний шахслар билан валюта айирбошлаш операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 17 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3029-3.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитасининг 2019 йил 17 сентябрдаги 100, 78, 31, 26ҚҚ, 19, 01-02/5-56-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағлари ҳисобидан 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фуқаролар пенсиясига қўшимча тўловни белгилаш, тўлаш ва молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 17 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2675-1.

15. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 17 октябрдаги 479-мҳ-сон «Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 17 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1933-2.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг «Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича намунавий шартномани тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2966, 2018 йил 29 январь).

Адлия вазирининг 2019 йил 14 октябрдаги 467-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг «Нодавлат нотижорат ташкилотларининг чет давлатлардан, халқаро ва чет эл ташкилотларидан, чет давлатларнинг фуқароларидан ёки уларнинг топшириғига биноан бошқа шахслардан пул маблағлари ва мол-мулк олишни рўйхатдан ўтказувчи орган билан келишиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2802, 2016 йил 15 июнь).

Адлия вазирининг 2019 йил 16 октябрдаги 469-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси божхона органлари томонидан гаровдан фойдаланиш тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 757, 1999 йил 28 июнь), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 757-1, 2012 йил 5 сентябрь), (рўйхат рақами 757-2, 2016 йил 27 апрель), (рўйхат рақами 757-3, 2019 йил 21 январь).

Адлия вазирининг 2019 йил 16 октябрдаги 470-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг «Ушланган транспорт воситалари ҳисоби шаклини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (рўйхат рақами 2252, 2011 йил 8 август).

Адлия вазирининг 2019 йил 16 октябрдаги 472-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланган Давлат архитектура ва қурилиш назорати органларини таъминлаб туриш учун харжлар миқдорини белгилаш тартиби (рўйхат рақами 168, 1995 йил 31 август).

Адлия вазирининг 2019 йил 16 октябрдаги 473-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

6. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг «Ишлаб чиқарилган этил спирт — ректификатини синовдан ўтказиш ва тайёр маҳсулотлар омборхонасига топшириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1714, 2007 йил 6 сентябрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 16 октябрдаги 474-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

7. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тadbиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг «Суд бошқарувчиларининг аттестация комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1581, 2006 йил 12 июнь), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 1581-1, 2010 йил 8 июль), (рўйхат рақами 1581-2, 2013 йил 18 сентябрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 16 октябрдаги 475-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг «Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрларини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1933, 2009 йил 31 март), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 1933-1, 2018 йил 7 декабрь).

Адлия вазирининг 2019 йил 17 октябрдаги 479-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
2008 йил 30 октябрдаги 235-сон қарори билан тасдиқланган
Ҳакамлик судлари ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги
низомнинг 20-бандига мувофиқ доимий фаолият кўрсатувчи
ҳакамлик судларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини
тугатиш, шунингдек доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик
судлари ҳамда уларнинг таркибига кирадиган ҳакамлик
судьялари тўғрисида
АХБОРОТ**

(III чорак) 2019 йил 1 октябрь ҳолатига

Т/р	Худудий адлия органлари номи	Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судлари	Ҳакамлик судьялари
1.	Андижон	19	20
2.	Бухоро	18	29
3.	Жиззах	12	8
4.	Қорақалпоғистон Республикаси	14	13
5.	Қашқадарё	14	36
6.	Навобий	13	43
7.	Наманган	16	80
8.	Самарқанд	22	56
9.	Сурхондарё	16	27
10.	Сирдарё	5	7
11.	Тошкент шаҳар	34	331
12.	Тошкент вилоят	24	37
13.	Фарғона	19	37
14.	Хоразм	14	29
	Жами	240	753

